

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**МАДАНИЯТЛАРАРО АЛОҚАЛАР, ТАҲРИР ВА  
АДАБИЁТШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ**

**Жўраева Нилуфар Абраевнанинг**

**“АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ПУБЛИЦИСТИКАСИНИНГ ЎЗИГА  
ХОСЛИГИ”**

**5320400 – халқаро журналистика таълим йўналиши бўйича  
бакалавр даражасини олиш учун**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”**

Маданиятлараро алоқалар, таҳрир ва  
адабиётшунослик кафедраси мудири

\_\_\_\_\_ ф.ф. д., доц. М.Шарафутдинова

2012 йил “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

**ИЛМИЙ РАҲБАР:**

\_\_\_\_\_ ф.ф.н., доц. Ш.Тўйчиева

2012 йил “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_

Тошкент – 2012

## М У Н Д А Р И Ж А

<b>КИРИШ.</b>	<b>3</b>
<b>БИРИНЧИ БОБ. Абдулла Қодирий ижодининг ўзбек адабиётида тутган ўрни</b>	<b>8</b>
1.1. А. Қодирий ижодининг ранг-баранглиги ва бадиий қиймати	<b>8</b>
1.2. А.Қодирий публицистикасида ижтимоий муаммоларнинг ёритилиши	<b>18</b>
<b>ИККИНЧИ БОБ. Абдулла Қодирий юмор устаси</b>	<b>27</b>
2.1 .А.Қодирий публицистикасида ҳажв ва юмор	<b>27</b>
2.2. А.Қодирий ижодида хат жанрининг аҳамияти	<b>39</b>
2.3. “Муштум” журнали фаолиятида А.Қодирий иштироки	<b>47</b>
<b>ХУЛОСА</b>	<b>57</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати</b>	<b>62</b>
<b>Иловалар</b>	<b>64</b>

## КИРИШ

**Битирув малакавий иш мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти.** Ватанимиз ўз мустақиллигига эришганидан сўнг, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан барча соҳалардаги ҳамкорликлар тўла йўлга қўйилди. Ўзбекистоннинг жаҳонга, дунё мамлакатларининг Ўзбекистонга кириб келиши табиий жараёнга айланди. Бу жараён ижтимоий, иқтисодий жабҳалар қатори маданий алоқаларни ҳам ўз доирасига қамраб олди. Энди биз дунё тамаддунининг маданий сарчашмалирадан ўз эркимизда фойдаланиш имкониятига эгамиз ва ўз навбатида биз ҳам миллий маданиятимиз намуналаридан эндиликда жаҳон халқларини баҳраманд этамиз. Бунинг учун эса ўз миллий маданиятимизни чуқур ўрганишимиз, таҳлил ва тадқиқ этишимиз зарур

Президентимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаида таъкидланганидек: “Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимги тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор, буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак”<sup>1</sup>. Бундай тарбия воситаларидан бири ўзбек адабиёти намоёндалари асарлари, бадиий ва публицистик ижоди билан ёш авлодни кенгроқ таништириб бориш орқали амалга оширилади.

Биз тадқиқотимиз объекти сифатида танланган ўзбек адабиётининг буюк намоёндаси Абдулла Қодирий жаҳон адабиёти тарихида ўз ўрнига эга, ўзидан катта ижодий мерос қолдирган ижодкордир.

Истиқлол яратган имкониятлардан фойдаланиб, ХХ аср адабиёти, айниқса, жаҳид адабиётини ўрганиш ва унинг тараққийпарвар, инсонпарвар ғоялари моҳиятидан дунё халқларини хабардор қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади. Бу вазифалар доирасида

---

<sup>1</sup> И. А. Каримов. «Юксак маънавият-енгилмас куч». Т., «Маънавият». 2008, 139-140 бетлар.

ўзбек адабиётининг йирик намоёндалари, уларнинг бадиий-эстетик олами, бадиий ва публицистик мероси тадқиқи, тарғиби алоҳида аҳамият касб этади.

XX аср ўзбек публицистикасида Абдулла Қодирийнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. У 1918 йилда Эски шаҳар Озиқ қўмитасининг саркотиби, 1919 йилда «Озиқ ишлари» газетасининг муҳаррири, 1920 йилда Касабалар шўросининг саркотиби, 1924-26 йилларда «Муштум» журнали ташкилотчиларидан ва таҳрир ҳайъати аъзоси каби ишларда ишлаган.

Абдулла Қодирий ўзидан катта публицистик мерос ҳам қолдирган. Бу мерос, асосан, унинг, адабий-танқидий мақолалари, фелетонлари, хатлари ва ҳажвияларида акс этган. Мазкур публицистик асарларда адибнинг бадиий-эстетик концепцияси, ўз даврининг кўплаб камчилик ва муаммоларига билдирган муносабати, бадиий ижод сир-асрорлари, давр сиёстининг мазмун-моҳияти, замондонларининг ҳаёти ва ижодига доир қарашлари ифодаланган!

Адиб публицистикасининг ўзига хос хусусиятларини ёритиш асосида XX аср ўзбек адабиёти билан янада яқинроқ таништириш, XX аср ўзбек матбуоти ҳақида маълумотлар бериш, ижодкор маънавий оламини тадқиқ қилиш, ёзувчи шахсияти, маҳорати, жасорати ва виждони масалаларини ёритиш, публицистикасининг баъзи бир хусусиятларини ўрганиш ва ўзлаштиришдаги аҳамияти тадқиқ қилишга ҳаракат қилинди.

Ўзбек адабиётида улкан мавқеда турган Абдулла Қодирий публицистикаси ёш журналист ва ижодкорлар учун ўзига хос мактаб эканлиги, бу адиб меросини тадқиқ қилиш шу жиҳати билан ҳам долзарб эканлигини ҳисобга олдинди.

Бундан ташқари, XX аср глобаллашув жараёни мавжуд маданий меросни йўқ бўлиб кетишига олиб келмоқда. Бизнинг миллий маданиятимиз, маънавий меросимиз ҳавф остида қолаётган бир пайтда миллий маданиятимизни, адабиётимизни оммалаштириш бу ҳавфни

бартараф этишдаги энг самарали йўлдир. Шу маънода Абдулла Қодирийнинг бадиий ва публицистик ижодининг теран ёритилиши лозим бўлган долзарб мавзулардан саналади.

**Мавзунинг олдига қўйган мақсади ва ундан келиб чиқадиган вазифалар.** Абдулла Қодирийнинг бадиий ижодини, хусусан публицистикасининг ўзига хослигини, мавзу кўлами, услуби, адиб публицистикасидаги ижтимоий мавзу ва муаммоларнинг ёритилишини таҳлил қилиш асосий мақсади қилиб олинган. Бу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгилаб олинди:

- Қодирий ижодининг ранг-баранглиги ва бадиий қийматининг таҳлили;
- Бадиий адабиётда мавзу танлаш маҳорати;
- Қодирий ижодида энг кўп эътибор қаратилган мавзулар;
- Бадиий адабиётда ижтимоий мавзулар;
- Бадиий адабиёт ва публицистикада ҳавжнинг аҳамияти;
- Хат жанрининг аҳамияти.

**Мавзунингнинг ўрганилганлик даражаси.** Биз тадқиқотимиз объекти сифатида танланган ўзбек адабиётининг буюк номоёндаси ўзидан катта ижодий мерос қолдирган ижодкордир. Ўзбек адабиётшунослигида Абдулла Қодирий ижоди кенг ўрганилган ва ўрганилмоқда. Бугунги кунда қодирийшунослик янгиланиб, янги-янги тадқиқотлар яратила бошланди. Хусусан, М.Қўшжоновнинг “Ўзбекнинг ўзлиги” (Т., 1994), А.Алиевнинг “Маънавият, қадрият ва бадиият” (Т., Академия, 2000. 270-320 бетлар), У.Норматовнинг “Абдулла Қодирийнинг боғи” (Т., 1994), И.Ғаниевнинг “Рухий гўзаллик қисмати” (Бухоро, 1994), А.Муродхоновнинг “Истеъдод жозибаси” (Т., 1992), ҳамда “Абдулла Қодирийнинг бадиий дунёси” (Т., 1994), Б.Каримов “Қодирий кадри” (Т., 2004) каби янги руҳдаги янгича тафаккур меваларини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, бир қатор илмий-

танқидий ва публицистик мақолалар ҳам чоп этилмоқда<sup>2</sup>. Бундан ташқари янги-янги йўналишларда докторлик ва номзодлик диссертациялари ёқланмоқда

Б.Қосимов, М.Қўшжонов, У.Норматов, Б.Каримов, Н.Каримов, С.Мирвалиев, М.Шарафутдинова, М.Худойкулов, У.Долимов, Д.Қурононов, И.Ғаниев, А.Муродхонов каби олимлар унинг ижодини кенг тадқиқ қилишган ва бу жараён давом этмоқда. Мазкур битирув малакавий иши ҳам шу жараённинг давоми бўлиб, бунда асосан Абдулла Қодирий публицистикасининг ўзига хослиги, журналистик фаолияти, матбуотдаги иштироки ўрганилди.

#### **Тадқиқотнинг объекти ва предмети.**

Битирув малакавий ишининг объекти сифатида Абдулла Қодирий ижоди, предмети сифатида эса унинг публицистикаси, матбуотлардаги фаолияти ва иштироки олинди.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги.**

Абдулла Қодирий публицистикаси ва асарлари ўзбек журналистикаси ва адабиётшунослигида ўрганилган. Мазкур битирув малакавий иши ана шу йўлдаги уринишлардан яна биридир. Қуйидагилар тадқиқотнинг илмий янгилигини белгилайди:

- Қодирий публицистикасига хос етакчи хусусият ёритилди;
- Қодирий публицистикасида ижтимоий ҳаёт ва бадиият қонун-қоидаларига муносабати ойдинлаштирилди;
- Қодирий публицистикасида журналистик жанрларнинг аҳамияти ўрганилди;
- Қодирий публицистикасида етакчи мавзулар ёритилди.

---

<sup>2</sup> Султонов Х. Андиша (А.Қодирийнинг бадиий дунёси. Т.,1994.66-74 бет), Малик Т., Ибрат мактаби.ЎзАС. 2003,19-сентябр, Каримов Н. Қодирийнинг боши – янги йил совғаси. Фан ва турмуш. 1992. 3-4-сонлар, Каримов Н. Уни Қашқарда ҳам севишади. Туркистон. 1994. 7-декабр, Ҳошимов Ў. Андиша. Ўзбекистон овози. 2003, 15-март, Каримов Б. Ривоят ичидаги роман. ЎзАС. 2002, 7-апр.; “Далойил” ўқиётган Юсуфбек хожи”. ЎзАС, 2003, 11-апрел, Сувон Мели. Самовий микёс: “Ўткан кунлар” ва “Қирол Лир”. ЎзАС, 2003, 7-октябр, М.Шарафутдинова. Хатдир кўнгил дафтари. Тафаккур. 2009, 4-сон.

**Битирув малакавий ишнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Битирув малакавий ишининг илмий аҳамияти, аввало, Абдулла Қодирий публицистикасининг ўзига хослиги ҳамда адиб бадиий эстетик қарашларига хос етакчи хусусиятларнинг белгилаб чиқилгани ва назарий асосланганидир.

Мазкур тадқиқот касб маҳоратини оширишга интиладиган журналистлар, адабиётшунослар, бўлажак ёзувчилар, талаба ва китобхонларга Абдулла Қодирий ижоди ҳақида бир қатор тасаввур бериш билан амалий аҳамият касб этади. Ундан бўжалак журналист ва филологлар учун махсус курс сифатида, журналистика тизими фанларида талабалар ўқув материали сифатида фойдаланиши мумкин.

#### **Тадқиқотнинг таркибий тузилиши**

Битирув малакавий иши кириш, икки боб, биринчи бобда иккита, иккинчи бобда учта фасл, хулоса, илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган.

## **Биринчи боб. Абдулла Қодирий ижодининг ўзбек адабиётида тутган ўрни**

### **1.1. А.Қодирий ижодининг ранг-баранглиги ва бадиий қиймати**

XX аср халқимиз тарихида ўзликни англаш, миллий уйғониш даври бўлди. “Жадидчилик ҳаракати” номи билан тарихга кирган бу жараён халқимиз маънавий ҳаётининг ҳамма жабҳаларини қамраб олди. Бадиий адабиёт ва маданий ҳаётда том маънода янгилашни жараёни кечди.

Ўтган асрнинг 10-йилларида Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падарқуш” асари, Абдурауф Фитратнинг “Мунозара”, “Баёноти сайёҳи ҳинди” асарлари бадиий адабиётда буюк ўзгариш ясаган эди. Абдулла Қодирий мана шундай бадиий ижодда туб ўзгаришлар кечаётган бир даврда адабиётга кириб келди.

Абдулла Қодирий ижодкор сифатида ўз адабий фаолиятини шеърятдан бошлади, унинг “Тўй”, “Миллатимга”, “Фикр айлағил”, “Ахволимиз” каби шеърлари шу давр маҳсулидир.

Орадан кўп ўтмай унинг “Бахтсиз кув” драмаси, “Жувонбоз”, “Улоқда” ҳикоялари китобхонлар қўлига бориб тегди.

Абдулла Қодирийнинг том маънодаги журналистик фаолияти 1917 йил февраль инқилобидан кейинги даврга бориб такалади. Шу даврдан бошлаб унинг матбуотда мақолалари, фельетонлари, ҳажвиялари, очик хатлари чиқа бошлади: “Шодмарг (Кичик фелетун)”, “Иштирокиюн” 1917 йил, 21 март, “Сайловми, Босқунликми кайкан”, “Улуғ Туркистон” 1917 йил август.<sup>3</sup>

1919 йилдан бошлаб Озиқ кўмитаси органи “Озиқ ишлари” газетасида муҳаррир бўлиб ишлайди. Бу даврда у “Инқилоб” ва “Коммунист йўлдоши” журналларида масъул котиб, журналист-публицист

---

<sup>3</sup> Қодирий А. Диёри бакр. Т., Янги аср авлоди НММ. 2007. Б. 49.



сифатида фаолият кўрсатади. 1923 йилда “Муштум” журналининг ташкил этилиши ҳам бевосита Абдулла Қодирий ва Ғози Юнус (Юнусов Ғози олим- 1893-1939) фаолияти билан узвий боғланади. Бу ҳақда Қодирий қуйидагиларни ёзади: “23-йилнинг февраль ойида, шекилли, “Туркистон” газетасига ўртоқ Абдулҳай Тожи муҳаррир белгиланади ва шу ўртоқ бир кулги журнали чиқарингиз, деб мен билан Ғозини чақирди. (Бу вақтда Ғози газетанинг муҳаррири эди). Биз икковимиз ишга киришдик-да, натижада саккиз сонча “Муштум” чиқди”.<sup>4</sup>

Абдулла Қодирийнинг “Муштум” журналини ташкил этилиши ва Москвага ўқишга кетгунигача, яъни 1924 йилгача матбуотда кўплаб чиқишлар қилади. Қуйида уларнинг айримларини кўриб, таҳлилин келтирамиз ва албатта, биринчи бўлиб фельетонларига мурожаат қиламиз.

“Думбаси тушиб қолган эмиш. Кичкина фелетун. “Эски шаҳар озик шўъбасига бағишлайман” (“Иштирокиюн” 1919 йил август.)<sup>5</sup> Ушбу фельетон орқали ўша давр Озик қўмитасининг фаолиятини ҳажв орқали ёритади. Гўшт маҳсулотига бўлган талабни, нархи ва фуқоронинг аҳволини анчадан бери гўшт емай юрган, “гўштсираб кетган” образ ёрдамида, аччиқ киноялар билан ифодалайди. “Комитет қўйининг думбаси тушиб қолган”<sup>6</sup> деб халққа тарқатилаётган гўштнинг аҳволини тасвирлайди.

“Бозор суриштирмайдир (кичик фелетўн)”. “Иштирокиюн” 1920 йил 16- апрель<sup>7</sup>. Бу фельетон орқали журналист халқ аҳволи ҳақида айниқса, ўша давр маданий ҳаётининг муҳим жихати бўлган театр санъати, театр танқидчилигини ёритишга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, этикчи косиб тилидан яроқсиз маҳсулотга нисбатан: Хайф бўлмасин, бозор суриштирмайдир” жумласининг берилиши ўша вақтда ҳеч ким ўз иши

---

<sup>4</sup> Қосимов Б. ва бошқалар. Миллий уйғониш даври адабиёти. Т., Маънавият, 2004. Б. 403.

<sup>5</sup> Қодирий А. Диёри бакр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007. Б. 36.

<sup>6</sup> Ўша асар, 58-беТ.,

<sup>7</sup> Ўша асар, 70-беТ.,

билан шуғулланмайтгани, натижада ишлар “ўлда-жўлда”, маҳсулот сифатсиз эканлиги тасвирланади.

“Нега ким” (Кичкина фелетўн). Элбекга бағишлаб. “Иштирокиюн” 1920 йил 8 май<sup>8</sup>.

Бу чиқиши орқали Абдулла Қодирий Элбек, Хамза, Н. Тўрақуловлар билан боғлиқ баъзи маълумотларни бериб ўтади. Айниқса Тўрақуловнинг матбуотдаги чиқишларини кескин танқид қилади. Бундан ташқари газета фаолияти ва замон нозиклигини қуйидагича тасвирлайди.

*“Иштирокиюн” газетаси неча бир кун чиқиб, бир кун оқсай бошлади?*

*-Негаким, харф терувчи хизматларини ҳукумат ортиқча тўйдириб, қорин солдиргани учун”*

*“Нега сўзини шу ерда тўхтатмоқчи бўласан?”*

*-“Негаким бундан ортиқни замон кўтармагани учун!”<sup>9</sup>*

Бундан ташқари “Кула-кула ўласан”, “Ижмоли саёсий”, “Азоб боғчасида-йиғи- сиғи кечаси”, “Қазойи осмонитлар”, “Қурбонлик ўғрилари”, “Мочалов”, “Лайли ва Мажнун”, “Паст-у баланд дунёда”, “Ҳуқуқ”<sup>10</sup> каби фелъетонларида жамиятдаги муаммолар, инсонларнинг ҳуқуқсизлиги жамият пешволарининг фаолияти, ижтимоий-маданий ҳаётдаги ўзгариш ва кескинликларини тасвирлайди.

Абдулла Қодирийнинг мунаққид, беаёв ҳажвчи ҳам бўлганлигини унинг 1923 - 1926 йиллари ёзган мақола, фелъетон ва ҳажвияларидан билиш мумкин. Адибнинг публицистик маҳорати айнан 1920-йиллари камол топган, бугун биз тўлқинланиб ўқийдиган ҳажвиялари ҳам ўша йиллари матбуот юзини кўрган эди. Ёзувчи ҳақидаги хотираларда айтилишича, ўз даврида одамлар унинг ҳар бир янги асарини интиқлик билан кутар экан. Масалан, Қодирийга замондош шоир Тошқин

---

<sup>8</sup> Ўша асар, 72-беҒ.,

<sup>9</sup> ўша асар, 73-бет

<sup>10</sup> Ўша асар, 137-беҒ.,

(Мўминжон Муҳаммаджон ўғли) хотираларида ёзилишича, Жулкунбойнинг асари "босилиб, дўконларга чиқиши билан минг-минг ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз ва татарлар навбатга тизилишар"<sup>11</sup> экан. Бундай шуҳратни унга ўша икки йирик асари келтирган, десак ҳам бўлади. Аммо, ўйлашимизча, "Ўткан кунлар" (1926 йили тўлиқ чоп этиб бўлинган) ва "Меҳробдан чаён" (1928 йили китоб ҳолида нашр қилинган) асарлари тўлиқ этиб боргунга қадар ҳам Жулкунбой номи халқ орасида машхур бўлган.

Абдулла Қодирийнинг 1924 йилгача, яъни Москвага ўқишга кетгунигача ёзилган аксарият мақола ва ҳангомаларида ўша давр бутун бўй басти билан намоён бўлади. Айниқса, ўз миллатининг маърифатсизлиги, илм-маърифатга қизиқмаслиги ижодкорни бу мавзуга қайта ва қайта мурожаат қилишга мажбур қилади: "Қироатхоналаримиз", "Тилхат", "Икки оғиз тариқатдан ҳам бўлсин", "Чуви чиқди", "Солнома", "Маъориф шўроси диққатига", "Бизда театру ишининг бориши" (Театру ва музыка), "Эски китоблар савдосини қўлга олайлик", "Тарбия ишларига диққат"<sup>12</sup>.

Журналист-публицистнинг "Тошкент хабарлари"<sup>13</sup> ва "Билдиришлар"<sup>14</sup> мақолаларида эса ўша даврнинг сиёсий ўйинлари, ишчи ва меҳнаткашларнинг аҳволи, савдо-сотик ва халқнинг мураккаб аҳволи кучли ҳажв орқали ифодаланади.

Абдулла Қодирий 1924 йилнинг ёзида Москвага кетади ва Валерий Брюсов номидаги журналистлар институтига ўқийди, аммо Республика матбуоти, хусусан "Муштум" журнали билан алоқасини узмайди.

Абдулла Қодирийнинг "Москвадан" туркуми остида бир қанча ҳажвий мақолалари, хатлари эълон қилинади. 1925 йилда ёзувчининг "Муштум" номли анча жиддий танқидий мақоласи "Қизил Ўзбекистон"

---

<sup>11</sup> Лутфулла Олимий. Ҳажвиёт майдонида. Фарғона. 1924 йил. 181-сон.

<sup>12</sup> Қодирий А. Диёри бақр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007.

<sup>13</sup> Ўша асар, 60-беТ.,

<sup>14</sup> Ўша асар, 97-беТ.,

газетасида босилади. Мақолада журналнинг ўша кезлардаги фаолияти, истиқболи анча чуқур таҳлил қилинади, “Муштум” жамоасининг янада фаолроқ бўлишига даъват этади.

1923-1926 йиллар давомида “Муштум” журналининг қиёфасини белгиловчи, ҳажвий қисса жанрининг етук намуналари эълон қилинади. “Калвак Махсумнинг хотира дафтарида” ҳажвий қиссаси журналнинг “Муштумнинг борди-келдиси” рубрикаси остида 21-сонда давомли нашр этилади. Асар қаҳрамони ҳақиқий ҳаётдан бутунлай узилган, хурофотдан бошқа нарсани кўра олмайдиган маҳалла масжиди имоми Калвакнинг кулгули саргузаштлари, туғилишидан бошлаб бошдан кечирган воқеа – ҳодисалар ҳикоя қилинади. Калвак Махсум – тараққиёт душмани. Ҳар қандай ўзгаришларга қарши бир одам. Уни жамият аллақачон чиқинди сифатида улоқтириб ташлаган. У шу даражада мутаасибки, руҳоний билимларини ҳам ёлчителиб ўрганган эмас. У шу даражада тараққиётдан орқада қолиб кетганки, шўролар мактабида ўқиётган ёш қизчаларнинг мактабга очик бориши-ю уларнинг кийиниши унга бузуқлик, ғайри шаръий кўринади. У ўз сўзлари, саволлари билан ўз руҳий оламини намойиш қилади.

Калвак Махсум реалистик ҳажвий образ бўлиб, ана шу жиҳати билан алоҳида ажралиб туради. У ҳам кулгули ҳам фожеали образдир.

Ижодкорнинг “Тошпўлад тажанг нима дейди?” ҳажвий туркумида ўзига хос воқеа тасвирланади. Унда ўз даврининг янги бир ижтимоий табақаси жаҳолат ва қоқлик муҳити яратган чапанилар устидан кулгу устувордир.

Фақат чапани – такасалтанглар устидангина эмас, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари, сўзлашув ва имо-ишоралари орқали нопоб бойлару баёнлар, ҳоким-у ҳакамлар устидан ҳам аёвсиз кулгу, фақат кулгунинг ўзигина эмас, аёвсиз масҳаралаш мақсадлари илгари сурилади.

Унинг "Муштум", "Инқилоб" журналлари, "Иштирокиюн", "Қизил байроқ" газеталарида чиққан ҳажвий асарлари, танқидий мақолалари нимаси билан халққа ёқар эди? Мутолаа қилганимизда гувоҳ бўлдикки, мазкур нашрларда Жулкунбой, Овсар, Шилғай, Думбул (Қодирий таҳаллуслари) имзолари билан ёзилган бирорта асар йўқки, унда кулги, танқид ва ё биттагина бўлса-да, қалампиртаъм сўз, қочирим ибора топилмаса! Халқ тилида бўлган ва бўлмаган (яъни, фақат Қодирийга хос) ғаройиб жумлалар, теша тегмаган иборалар, мақол ва маталлар бу жажжи асарларга янада жозибадорлик бағишлаган дейиш мумкин. Ажабтовурлиги шуки, сизу бизнинг оғзимиздан чиқса от хуркадиган "каломи муборак" - сўкиш ва ҳақорат сўзлари ҳам, Овсар ё Думбул фельетонларида ўзининг дағал маъносини андак ўзгартиргандек, кулоғингизга ёқимли эшитилади. Масалан, "қорнини ёрғанда алиф ўрнига лоқал калтак чиқмайтурган дардисар" деб таърифлайди ёзувчи "Эшонларимиз" сарлавҳали фельетонида бир қаҳрамонини<sup>15</sup>. Унинг саводсиз бир нодон эканлигини бу қадар образли тасвирлаш учун унча-мунча қалам ожизлик қилган бўлур эди...

1924 йили "Масков хатлари" туркум хатларининг бирида Туркистонда чиқаётган газеталарни таҳлил қилар экан, русча "скидка" сўзини ўзбекча мақолада "гузашт" (тожикча сўз) деб ишлатган муаллифни Жулкунбой шундай "чақиб" олади: "Скидка"ни "гузашт" дейдир, "чегириш" деган билан тили кесилиб қоладир..."

Бир вақтнинг ўзида кўп ишларга уннайдиган бир замондоши қиёфасини "Олти йиллик базм" мақоласида шундай чизади:

"Тўрт томонға югуриб тили бир ярим қарич осилған; бир кўзи Мағрибда, бир кўзи Машрикда; серҳаракату бебаракат..."

---

<sup>15</sup> Қодирий А. Диёри бакр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007. Б. 183.

"Ғиди-биди гаплар" хажвиясида бир сўфи ҳақида: "Кўзининг ёшидан соқолиға марварид мунчоқ осибдир"<sup>16</sup>, деб ёзади.

Умуман олганда, Абдулла Қодирий бадиий насрининг деярли ҳамма жанрларида ижод қилган ва ўзбек адабиётидаги очерк, хикоя, қисса ва роман жанрларининг бир қанча етук намуналарини яратган. Хусусан адибнинг "Ғирвонлик Маллабой ака" очеркида ижтимоий муҳит, шарт-шароит ўзгариши билан инсон онги ва руҳиятида содир бўлган ўсиш-ўзгариш, эврилишлар ҳаққоний акс эттирилган. Очеркда тасвирланишича, ўтмишда ўзгаларнинг соддалиги, теран фикр юрита олмаслиги билан машҳур бўлган Ғирвонлик деҳқонлар вақти келиб пахтачиликни машиналаштиришга доир янгиликлар кашфиётлар даражасигача кўтардилар.

Очеркда пахтачиликдаги "шоҳмот усули" нинг ихтирочиси ғирвонлик деҳқон Маллабой ака образи жуда жонли ва табиий берилган. Ижодкор пахта майдонида фидокорона меҳнат қилиб, ўлкамизда донг таратган, катта обрўга эришган янги типдаги деҳқон Маллабой Боқиев образини самимий ҳурмат билан яратади. Бу очерки билан ижодкор миллатнинг эски усуллардан воз кечишга, кашфиётлар яратишга чақиради. Деҳқоннинг оддийгина ҳаёти, меҳнати асносида ижодкорнинг юксак ғоялари берилади.

Умуман олганда, Абдулла Қодирий бадиий адабиётнинг аксарият жанрларида ижод қилди: Адиб шеърляти ҳақида тўхталадиган бўлсак, юқорида айтиб ўтдик, адиб ижодини шеърлятдан бошлаган. Унинг "Тўй", "Миллатимга", "Фикр айлағил", "Аҳволимиз" каби шеърляридан ташқари роман ва ҳажвий асарларида яратилган шеърляри ҳам мавжуд. Бу шеърлар тасвирланаётган қаҳрамоннинг руҳий ҳолатидан келиб чиқиб яратилган – Анвар ва Раъно каби образлар нутқидаги шеърларда том маънодаги шеърлят намоён бўлса, ҳажвияларидаги шеърларда эса ҳажв ва юмор

---

<sup>16</sup> Қодирий А. Диёри бакр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007. Б. 191.

муҳим ҳисобланади, жамият ва турмушдаги камчилик ва нуқсонлар кулгу орқали тасвирланади (“Пилдир-пис”, Тошпўлад тажанг нима дейди?”, “Калвак Махзумнинг хатора дафтарида”, “Нафси шайтон”, “Масков хатлари III”, “Саккиз йил”<sup>17</sup>).

Абдулла Қодирий шоиргина эмас, драматург сифатида ҳам қалам тебратди. “1913 йилларда сахналаштирилган “Падаркуш” пьесаси таъсирида – деб ёзади ўз таржимаи ҳолида- “Бахтсиз куёв” деган театр китобини ёзиб юборганимни ўзим ҳам пайқамай қолдим”<sup>18</sup>. “Бахтсиз куёв” адибнинг драма соҳасидаги ягона асари деб қайд этилса ҳам “Ҳеч ким билмасин” деган бир пардали комедия асари ҳам Абдулла Қодирийга нисбат берилади. Бу ҳақда “Қизил байроқ” газетасининг 1921 йил 17 сентябр сонида хабар берилган: “...10 сентябр ёзлик “Турон” сахнасида “Ҳеч ким билмасин” (Жулқунбой асари) ўйналди”<sup>19,20</sup>.

Абдулла Қодирий 30-йиллардаги мураккаб шароитда ҳам бадиий ижодни давом эттирди. 1934 йил қишлоқ ҳаётдан “Обид кетмон” қиссасини ёзди. Қиссадаги Обид образи ўзбек адабиётидаги ноёб ҳодиса. Қиссада ўзбек деҳқони, айниқса, ўрта ҳол деҳқонлар руҳиятини тўлақонли тасвирловчи образлар яратди. Уни ўзбек халқининг меҳнат, деҳқончилик, маданияти бобидаги етуклиги тимсоли, дейиш мумкин.

Ёзувчи инсон шахсига ёндашишда ўша даврда одат тусига кирган тор “синфийлик” доирасидан анча четга чиқиб умуминсоний қадриятларни асраш, ардоқлаш йўлидан боради. Адиб холис туриб коллективлаштириш ҳаракатининг бир қанча томонларини ҳаққоний кўрсатади. Колхоз тузуми охир-оқибатда одамлардаги ташаббусни, шахсий эғалик, манфаатдорлик туйғусини сўндириш мумкинлигини айтади. Абдулла Қодирий асарлар ёзиш билан бир қаторда зукко тилшунос, забардаст таржимон сифатида

---

<sup>17</sup> Қодирий А. Диёри бакр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007.

<sup>18</sup> Қодирий А.. Кичик асарлар. Т., 1996. Б. 206.

<sup>19</sup> Қодирий Ҳ. Отам ҳақида. Ғ. Ғулом нашриёти. 1983. Б. 32.

<sup>20</sup> Мирвалиев С. Абдулла Қодирий. Т., Фан. 2004. Б. 34.

хам катта ишлар қилади. Адиб физик олими Абдулла Шуносийнинг “Физика” (1928), Н.В. Гоголнинг “Уйланиш” асарини (1935), А.П.Чеховнинг “Буқаламун” (1936) асарларини ўзбек тилига таржима қилди. Н.В. Гоголнинг “Уйланиш” асари таржимаси ўша йили Ҳамза номли театр саҳнасида саҳналаштирилди. Қозонда нашр этилган “Тўла русча-ўзбекча луғат”ни (1934) тузишда иштирок этган. Абдулла Қодирийнинг асарлари, жумладан романлари жаҳон миқёсида тез тарқалди. “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари, рус, озарбайжон, латиш, литва, татар, туркман, уйғур, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, араб, италиян, инглиз, турк ва бошқа тилларга таржима қилиниб қайта-қайта нашр этиб келинмоқда. Абдулла Қодирий “Амир Умархоннинг канизи”, “Намоз ўғри” каби романлар яратиш орзусида бўлган. “Амир Умархоннинг канизи”, “Намоз ўғри” романлари учун материаллар ҳам йиққан. Бироқ мустабид тузум адибнинг бу орзуларини руёбга чиқаришга имкон бермади.

Абдулла Қодирий 1926 йилда “Муштум”да босилган “Йиғинди гаплар” мақоласи туфайли қисқа муддат ҳибсга олинган. Бу мақола ҳажв тариқасида ёзилган бўлиб, унда бир неча кишилар, арбоб кимсалар ҳазилтомуз танқид қилиб ўтилади. Ҳажвиясидаги танқидий мулоҳазалари учун “аксиланқилобий ҳаракат қилинганлик” деб айбланиб ҳибсга олинган. Адибнинг тарихий романлари миллат тақдири, бирлиги, эл-юрт қайғуси, мустақиллиги, шахс эрки, ижтимоий адолат учун кураш ғоялари билан ёзилганлиги ҳам ҳукмрон мафкурага зид асарлар бўлиб чиқди. Яратилган бу романлар шўро даври сиёсати учун зарарли китоблар сифатида бот-бот қораланди. 30-йилларнинг ўрталарига келиб, бу машъум улфатлар (компания) авжига чиқди.

Бугунги кунда ҳозирги ўзбек насри мазмун ва жанрлар жиҳатидан ниҳоятда юксакликка эришди. Буларнинг ҳаммасида Абдулла Қодирий ижодининг аҳамияти, Қодирий насри мактабининг таъсирини кўриш мумкин. Абдулла Қодирий XX аср ўзбек адабиётидаги энг йирик



ёзувчидир. Чунки, у насрнинг ҳамма жанрларида бадиий жиҳатдан етук бўлган асарлар яратди. Унинг дастлабки асарлари маърифатпарварлик руҳида ёзилган, жадиличлик ғоялари билан суғорилган, халқнинг забун ҳолатидан куюб, миллатни уйғотишга даъват этган, фикрлашга чорлаган бўлса, ҳикояларида ўз халқини саводли, маданиятли бўлиш истаги барқ уруб туради, “Обид кетмон” қиссасида эса асар қаҳрамони орқали ўзбек халқининг меҳнат, деҳқончилик бобида етуклиги тимсолини яратади. Ёзувчининг романлари миллат тақдири, бирлиги, юрт қайғуси, мустақиллиги, шахс эрки, ижтимоий адолат учун кураш ғоялари билан йўғрилган. Бундан ташқари унинг ўша давр матбуотидаги иштироки ўзбек матбуотининг шаклланиши ва ривожланишида ниҳоятда катта рол ўйнайди.

## 1.2. А.Қодирий публицистикасида ижтимоий муаммоларнинг ёритилиши

Абдулла Қодирийнинг илк адабий фаолияти 1913 йилдан бошланди, бу ҳақда у кейинчалик таржимаи ҳолида шундай ёзади: “Шу миёнларда бозор воситаси билан татарларда чиқабурғон газетларни ўқиб, дунёда газета деган гап борлиғига имон келтирдим. 1913-йилда ўзбекча “Садойи Туркистон”, “Самарқанд”, “Ойна” газеталари чиқа бошлағач менда шуларга гап ёзиб юбориш фикри уйғонди”.<sup>21</sup> Дарҳақиқат, унинг “Янги масжид ва мактаб” номли илк мақоласи “Садойи Туркистон” газетасининг 1914 йил 1 апрель сонидида “Абдулла Қодирий имзоси” билан эълон қилинди.

Абдулла Қодирийнинг том маънодаги журналистик фаолияти 1917 йил февраль инқилобидан кейинги даврга бориб тақалади. Шу даврдан бошлаб унинг матбуотда мақолалари, фельетонлари, ҳажвиялари, очик хатлари чиқа бошлади: “Шодмарг (Кичик фелетун)”, “Иштирокиюн” 1917 йил, 21 март, “Сайловми, Босқунликми кайкан”, “Улуғ Туркистон” 1917 йил август.<sup>22</sup>

Унинг шахар думасига қайта сайлов муносабати билан ёзилган “Сайловми, босқунликми?” мақоласида ўша даврдаги сайлов жараёни “Шўрои исломия” ўтказаетган сайлов сиёсати акс этган. Ёзувчи бир сайловчи сифатида овоз бериш ҳуқуқининг оёқ ости қилинаётганлигини, сайланаётган номзодга овоз бериш зўрлик билан, таҳдид билан амалга оширилаётганлигини, бу ҳолга милиция ва участка раиси жим қараб турганлигини тасвирлайди.

“Қимматчилик ҳасрати” мақоласида эса ижодкор шунчаки қимматчиликдан нолимайди, балки, ўзи олаётган маошнинг қийматини кўрсатади. Халқнинг бир вакили, минглаб оила бошилардан бири сифатида

<sup>21</sup> Қосимов Б. ва бошқалар. Миллий уйғониш даври адабиёти. Т., Маънавият, 2004. Б. 401.

<sup>22</sup> Қодирий А. Диёри бакр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007. Б. 49.

оиласининг иқтисодий ақволини таҳлил қилади. Баъзи ўринларда аччиқ ҳикоялар бериб ўтади: “Булардан бошқа тағин бир яшар ўғлум бўлса ҳам, Худога шукр, ҳали тиши чиққанча йўқ”<sup>23</sup>. “Ўрни йўқ чиқимлар: тушлик чойга уч дона нон – пули ўн беш сўм. Ўзим хизмат вақтида арзон баҳо ошхонасидан бир коса ош ейман- пули олти сўм. Жами йигирма бир сўм”<sup>24</sup>.

Бу ҳикоялардан тиши йўқ ўғлига шукр қилса, тушликни ўринсиз харж ҳисоблайди. Шу билан бирга яна бир ўринда қуйидагиларни ёзиб ўтади: “Бунга ким айбли? Молни қимматлантирувчи испикулаянтми? Ёки вазифани<sup>25</sup> оз берувчи ҳукуматми?”, “Боболаримиздан қарзинг мингга етса, мурғи мурсамман<sup>26</sup> егин” деган бир мақоли бор. Лекин ҳозирда мусаммандан дарак йўқ<sup>27</sup>.

Абдулла Қодирий ижодида фельетонлар алоҳида аҳамиятга эга. Чунончи, унинг фельетонлари ўша давр матбуотида ҳам ўз ўрнига эга.

“Думбаси тушиб қолган эмиш”. Кичкина фелетун. “Эски шаҳар озик шўъбасига бағишлайман”, “Иштирокиюн” 1919 йил, август.<sup>28</sup> Ушбу фелетон орқали ўша давр Озик қўмитасининг фаолиятини ҳажв орқали ёритади. Гўшт маҳсулотига бўлган талабни, нархи ва фуқоронинг аҳволини анчадан бери гўшт емай юрган, “гўштсираб кетган” образ ёрдамида, аччиқ киноялар билан ифодалайди. “Комитет қўйининг думбаси тушиб қолган”<sup>29</sup> деб халққа тарқатилаётган гўштнинг аҳволини тасвирлайди.

“Бозор суриштирмайдир (кичик фелетўн)”. “Иштирокиюн” 1920 йил 16 апрель<sup>30</sup>. Бу фелетон орқали журналист халқ аҳволи ҳақида айниқса,

---

<sup>23</sup> Ўша асар, 53-беҒ.,

<sup>24</sup> Ўша асар, 54-беҒ.,

<sup>25</sup> Вазифа – маош (Қодирий А. Диёри бакр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007.).

<sup>26</sup> Мурғи мусамман – гавҳар тухум қиладиган самоқуш (Қодирий А. Диёри бакр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007.).

<sup>27</sup> Ўша асар, 55- беҒ.,

<sup>28</sup> Ўша асар, 36-беҒ.,

<sup>29</sup> Ўша асар, 58-беҒ.,

<sup>30</sup> Ўша асар, 70-беҒ.,

ўша давр маданий ҳаётининг муҳим жиҳати бўлган театр санъати, театр танқидчилигини ёритишга ҳаракат қилади. Шу билан бирга косиб тилидан яроқсиз ўз мол-маҳсулотига нисбатан: “Хайф бўлмасин, бозор суриштирмайдир” жумласининг берилиши ўша вақтда ҳеч ким ўз иши билан шуғулланмайтгани, натижада ишлар “ўлда-жўлда”, маҳсулот сифатсиз эканлиги тасвирланади.

Абдулла Қодирий публицистикасида ҳар бир ижтимоий муаммолар, ютуқ ва камчиликлар, ижтимоий масалаларга катта эътибор қаратилган. “Маъориф шуриси диққатиға”<sup>31</sup> мақоласида таълим тизимидаги муаммолар ёритилади. “Маъориф шўроси ва ҳукуматнинг таълим тизимига жиддийроқ эътибор қаратиши”, “миллат гуллари- болаларимиз”<sup>32</sup> келажак эканлиги тасвирланади. Бундан ташқари халқнинг ўз дардига, қобиғига ўралиб қолганлиги акс эттирилади.

“Нега ким” (Кичкина фелетўн). Элбекга бағишлаб. “Иштирокиюн” 1920 йил 8 май<sup>33</sup>.

Бу чиқиши орқали Абдулла Қодирий Элбек, Ҳамза, Н. Тўрақуловлар билан боғлиқ баъзи маълумотларни бериб ўтади. Айниқса, Тўрақуловнинг матбуотдаги чиқишларини кескин танқид қилади. Бундан ташқари газета фаолияти ва замон нозиклигини қуйидагича тасвирлайди.

*“Иштирокиюн” газетаси неча бир кун чиқиб, бир кун оқсай бошлади?*

*-Негаким, харф терувчи хизматларини ҳукумат ортиқча тўйдириб, қорин солдиргани учун”*

*“Нега сўзини шу ерда тўхтатмоқчи бўласан?”*

*-“Негаким бундан ортиқни замон кўтармагани учун!”<sup>34</sup>*

---

<sup>31</sup> Ўша асар, 59-бет.

<sup>32</sup> Ўша асар, 59-бет

<sup>33</sup> Ўша асар, 72-бет.

<sup>34</sup> Ўша асар, 73-бет

Бундан ташқари “Кула-кула ўласан”, “Ижмоли саёсий”, “Азоб боғчасида – йиғи-сиғи кечаси”, “Қазойи осмонитлар”, “Қурбонлик ўғрилари”, “Мочалов”, “Лайли ва Мажнун”, “Паст-у баланд дунёда”, “Ҳуқуқ”.<sup>35</sup> каби фелъетонларида жамиятдаги муаммолар, инсонларнинг ҳуқуқсизлиги жамият пешволарининг фаолияти, ижтимоий-маданий ҳаётдаги ўзгариш ва кескинликларини тасвирлайди.

Бундан ташқари ижодкорнинг жамиятдаги маданий ўзгаришлар, маданий ҳаёт диққат марказида турган. “Эски шаҳар театру ҳаваскорларига”,<sup>36</sup> “бизда театру ишининг бориши”<sup>37</sup> каби мақолаларида ўлкадаги театр санъати, фаолияти, баъзи муаммолари ёритилади. Масалан, “Азоб боғчасида-йиғи кечаси” мақоласида “Роҳат боғчаси”да бўладиган театр кечаси, унда ўйналган сахна асари тасвирланади. Мақолада иштирокчи ва актёрларнинг ўзини тутиши, томошабинлар ташрифи, умуман театр фаолияти таҳлил қилинади. камчиликлар кулгу ҳажв орқали тасвирланади:

– Хи, хи, хи... қурбақалар ҳам махлуқми?

– Махлуқ, махлуқ! Булар маданий махлуқлар. Боғча идораси киши йўқликдан билетларни қурбақаларга сотмай кимга сотсин”<sup>38</sup>

“Миллий ашулачилигимиз” Қори Муҳиддин италиядан ўқиб қайтдимиз”<sup>39</sup> мақоласида халқдан пул йиғиб, чет элда ўқиб ўзини ашулачи деб ҳисоблаган қори Муҳиддин ҳақида тўхталиб ўтади, унинг халқ пулини ҳавога совураётганлигини тасвирлайди.

“Қироатхоналаримиз” мақоласида эса кутубхона масаласи кўтарилади. “Туркистоннинг маркази бўлган Тошкентда мусулмон қироатхоналари йўқ”<sup>40</sup>-деб туб халқ менталитети, эътиқоди инобатга олиб

---

<sup>35</sup> Ўша асар, 137-бет.

<sup>36</sup> Ўша асар, 60-бет

<sup>37</sup> Ўша асар, 64-бет

<sup>38</sup> Ўша асар, 94-бет

<sup>39</sup> Ўша асар, 64-бет

<sup>40</sup> Ўша асар, 75-бет

кутубхона очилмаганлигини куюнчаклик билан акс эттиради. “Билдиришлар” хангомасида шаҳарда “Коммунистий” магазини очилганлиги, лекин бунинг оддий халққа фойдасизлигини тасвирланади. “Тилхат” хангомасида эса тилхат берувчининг чаласаводлиги, думбултабатлиги бераётган тилхати орқали тасвирланади: “Навоийнинг татарми ва ё ўзбеклиги масаласи алоҳида бир ўлтурушда ҳал қилинур”<sup>41</sup>.

Абдулла Қодирийнинг ўткир нигоҳи жамиятдаги жуда кўп камчиликларни кўра олди ва унинг иқтидори бу муаммоларни ўзига хос тарзда мутбуотда акс эттирди. Масалан “Тиланчилик ёхуд енгил касб”<sup>42</sup> мақоласида тирикчиликнинг манбосини тиланчиликка қуриб олган, соғ саломат, “ишбилармон”лар қаламга олинади. шубилан бирга мақолада ёш болаларнинг жалб қилинишини қоралайди. “Кула кула ўласан” фельетони орқали ўлкадаги ноширлик фаолиятининг бир қисми (Ғози Юнус фаолияти) тасвирланади. Бу фаолиятдаги камчиликлар танқид қилиб ўтилади.

“Отам ва большевик” номли машҳур хангомасида эса бир неча сиёсий бошқарувни кўрган, ҳозирги кунда меҳнаткашлар жамияти даврида яшаётган қария отахоннинг замон ҳақидаги, сиёсий ўйинлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини, ниятлари тасвирланган.

“Нафси шайтон” хангомаси орқали эса ўша даврдаги эр йигитларнинг ўзини тутишлари, рўза ойидаги халқ ҳаёти, бозордаги муаммолар шеърлар орқали акс эттирилган.

Абдулла Қодирий ижодида матбуотнинг, матбуотдаги чиқишларнинг ўрни беқиёс эканлигини юқорида ҳам айтиб ўтдик. Бу ҳақда Ҳабибулла Қодирий шундай ёзади: “Биз адабиётда иккита Абдулла Қодирий-Жулқунбойни биламиз: Бири – машҳур романчи Абдулла Қодирий. Иккинчиси – ўз замонасининг кундалик ваоқеасини, сиёсатини кенг

---

<sup>41</sup> Ўша асар, 97-беТ.,

<sup>42</sup> Ўша асар 67-бет

оммага тарқатишда, ташвиқот қилишда фаол қатнашган, “Жулқунбой” лақаби билан танилган журналчи, ҳажвчи, фельетончи Абдулла Қодирий.”<sup>43</sup> Ўз даврида халқ аввало Абдулла Қодирийни сатирик тил билан йўғрилган публицистикаси ва ҳажвиялари орқали билар эди. Чунки у халқ дардини, турмушдаги камчилик ва нуқсонларни кулгу билан ёки калвак, Тошпўлад, Ширвон хола образи орқали акс эттирилган, уларнинг дарду аламини ўзининг дарду аламидай куюнчаклик билан тасвирлаган. Бу ҳол унинг “Қурбонлик ўғрилари”, “Мачалов”, “Лайли ва Мажнун”, “Пасту баланд дунё” каби фельетонларида, “Давосиз дардлар”, “Оғзинга қараб гапир”, “Тилак”, “Чуви чикди”, “Хусусий мактублар”, “Кўмак” уюшмасига мақолалар, “Шўх байтал” каби ҳангомаларида яққол намоён бўлади.

Абдулла Қодирийнинг журналистик фаолияти ҳақида Абдулла Саъдийнинг “Туркистон“ газетасининг 1924 йил август сонидан босилган “Олти йил ичида” деган мақоласида 1917-1923 йиллар ўзбек матбуоти тўғрисида шундай ёзади: “Бу давр ичида уч қалам ўзини очиқ танита олди: Жулқунбой, Ишчи, Шалоқ Махзум. Булар “Иштирокиюн” газетасидан бошлаб ишлаб келадилар”.<sup>44</sup> Мақолада Абдулла Қодирийнинг халқ севиб ўқишига асосий сабаблар қисқача келтириб ўтилади, булар кулгу ва муаммонинг ёритилиши эканлиги асосланади. Бунга ёрқин мисол тариқасида “Йиғинди гаплар”, “Ғиди-биди гаплар”, “Калвак Махзум хотира дафтарида”, “Тошпўлад тажанг нима дейди”, “Ширвон хола нима дейди”, “Ўзи хон –кўланкаси майдон”, “Пўскаллеси”, “Нахс босган экан”, “Тилак”, “Давосиз дардлар” каби ҳажвия, ҳангома ва мақолаларида келтириш мумкин.

Биргина “Тилак”<sup>45</sup> ҳангомасини таҳлил қилиб кўрайлик. Мақола “Лўли элаккли бўлди, эшаги тилакли бўлди”-деб бошланади. Ва янги йил кириб келаётганлиги сабабли 10 та муҳим тилаклар баён қилинади.

<sup>43</sup> Қодирий Ҳ. Отамдан хотира. Тошкент., 2005 й. 38-беТ.,

<sup>44</sup> Қодирий А.Тўла асарлар тўплами. 1-жилд. Т., 1995 й. Б. 267.

<sup>45</sup> Қодирий А. Диёри бакр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007. Б. 125

Биринчи тилак – таълим тизимига қаратилади ва унинг муаммолари кўтарилади: “...мактаб ремўнти ҳақда ўқиш бошланатурғон кунда эска тушса, болалар совукда дилдирашиб, бит қоқишсалар, ҳар бир тутантуруксиз муаллим ва мураббий қилиб белгулансалар, болалар билан кўчқор уруштириб халқ ўртасида янги мактабларга янги “обру” орттириб берсалар...”. “... Шаҳар мактабларининг холи шу бўлса, Худо ризоси учун қишлоқда мактаб очиш тилга олмасун. Чунки “Ёпиқлик қозон ёпиқлик”да...”.

Иккинчи тилак матбуот ва ноширлик ишлари юзасидан айтилади. “Ибтидоий мактаб битирмаган талантлик муҳаррир ва адиблар, саводи чиқмаган шоир матбуотдаги фаолиятига бир-бир назар ташланади”.

Учинчи тилакда эса “Туркистон” газетасининг фаолияти таҳлил қилинади. Камчиликлари ҳажв орқали тасвирланади ва шу билан бирга газетанинг оммалашиши учун баъзи бир ҳажвий маслаҳатлар берилади: “Туркистон”да шу кунгача бўлуб келган бўлумлар шу усул билан ўзгартирулсин:

- Сиёсат ўрнига “Ҳангомаи ҳазрат Али”дан тўрт оғиз;
- Иқтисод ўрнига “Ҳангомаи Жамшид”дан бир фасл;
- Фелетўн ўрнига “Нотпинкартун” ва “Шерлўк Хўлмс” ажиналаридан бир парча (негаким, бизнинг зиёлиларимиз учун ҳудди пўлатга сув бергандек бўладир);

- Ўлка ва Тошканд хабарлари ўрнига “Алдаркўса” ҳикояларидан, “Алифлайло” (Минг бир кеча ҳикояларидан, ҳикояларнинг арабча номи-тад) воқеаларидан ширин-ширин ривоят (эълонларга тегила кўрилмасун, чунки эълон учун “Туркистон”ни олғучи савдогарларимиз кўп кўринадур)”.

Тўртинчи тилак эса “Инқилоб” журнаliga бағишланади ва унинг фаолиятига талаб нуқтаи назаридан баҳо берилади: “...йилда уч маротаба



чиксун: “Янги йил”га бағишлаб бир нўмир, май байрамисиға бир нўмир, ўктабр ўзғаришиға бағишлануб яна бир нўмир, жаъми уч нўмир”.

Бешинчи тилакни эса ҳеч бир таҳлил ва изоҳсиз келтириб ўтмоқчиман. “Билим ўчоғи” ўликми, тирикми, буни Усмонжон махсус журнал чиқаруб эълон қилсун!” .

Олтинчи тилак эса театр ишларига бағишланади. Қурилаётган театр биносининг қурилиши чўзилиши, актёрларнинг ҳар ерда юрганлиги кулгу орқали тасвирланади: “Буюк театру биноти ўн ерга кўчирулиб солинсун. Шу бино биткунча ҳам ҳеч ким пьеса ёзмасун. Шунгача артистларимиз унда –мунда дам “Ҳалима”ни, гоҳ “Абомуслим”ни кўя-кўя, қаруб-чируб дорилфанодан чипакка чиқиб кетсунлар”.

Еттинчи тилак эса почта-телеграф хизмати борасида бўлиб, у ердаги муносабат, ҳайда-ҳайдалар қаламга олинади.

Саккизинчи тилак эса темир йўлдаги “туртиш-суртиш”лар тасвирланади ва у янги йилда ҳам давом этиши тилак этилади.

Тўққинзинчи тилак Шарият маҳкамаси фаолияти билан боғланган. Бу нияти мдрасалардаги ўқитиш услубини янгилаш бўйича ҳар-ҳар замонда бир-икки ривоят ахтариб ўтириш тавсия этилади.

Ўнинчи тилакда эса Қозонда нашр этиладиган “Бизнинг байроқ” газетасидаги Шариф бойчурани ёзган бир мақолага кесатик муносабатлар акс эттирилади: “Бундаги “Вақт табиатли” ўзбеклар (сартлар) орасида юриб тирноқ остидан кир изламасун”.

Биргина “Тилак” хангомасида шунча муаммоларни ҳажв, юмор орқали кўтариб чиқяпти. Бу фикримизни “Кичкина билдириш” мақоласида ҳам давом эттиришимиз мумкин. Бу мақолада ҳам Абдулла Қодирий жамиятдаги камчиликларни ҳазил тариқасида куйидагича ёритади:

“Хила тузалиб қолди.

“Маҳалла комиссияларини қайтадан сайлаш хабари чиққандан кейин коммийлари хила тузалиб қолдилар

Дуо қилинг, булар яна ўринларида қолсунлар”.

“Совуқ урди.

Сўнги бемахал тушкан совуқ бунинг кўкча даҳасидаги базмчи кунги йигитларни уриб кетди. Бўлмаса ёзи билан пайшанба кечаси ноғора базмидан мижджа қоқа олмас эдик.

Худоға шуқр, совуқ ургандан бери сув қуйғандек жим-жит”<sup>46</sup>.

“Хай, ер ютқур (Хотун-қизларнинг байналминал кунига бағишлаб)”<sup>47</sup> мақоласида эса яна бир ижтимоий муаммо аёлларга муносабат тасвирланади. Ижодкор “чала думбул табиатли”, оми ва саводсиз образи орқали хотинларга қандай муносабатда бўлиш кераклигини, эр-хотин муносабатини, ўша даврдаги аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқи муаммосини ишонарли тасвирлаб беради.

Келтириб ўтилган бу мақола, фельетон ва ҳажвиялардан кўринадик, Абдулла Қодирий ўз ижодида ижтимоий муаммоларни, турмушдаги камчилик ва нуқсонларни, маданий ҳаётни, сиёсий воқеаларни ҳажв ва юмор орқали ёритади. Унинг эътиборидан ҳеч бир муаммо четда қолмайди. Энг асосийси у ҳар бир ижтимоий муаммони ҳажв орқали кўтарар экан, аксарият ҳолларда унинг ечимига ҳам айнан ҳажв ва юмор билан ишора қилиб ўтади. Бу ҳол Абдулла Қодирий публицистикасининг ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятларидан биридир.

---

<sup>46</sup> Ўша асар 212-беТ.,

<sup>47</sup> Ўша асар 173-беТ.,

## **Иккинчи боб. Абдулла Қодирий юмор устаси**

### **2.1. А. Қодирий публицистикасида ҳажв ва юмор**

Абдулла Қодирийнинг йирик асарлари тўлиқ етиб боргунга қадар ҳам Жулкунбой номи халқ орасида машҳур бўлганлигини келтирдик.

Хўш, унинг "Муштум", "Инқилоб" журналлари, "Иштирокиюн", "Қизил байроқ" газеталарида чиққан ҳажвий асарлари, танқидий мақолалари нимаси билан халққа ёқар эди деган савол туғилади. Ўқиб-ўрганишимизда гувоҳ бўлдикки, мазкур нашрларда ҳар хил имзолар билан ёзилган бирорта асар йўқки, унда кулги, танқид ва ё биттагина бўлса-да, қалампиртаъм сўз, қочирим ибора топилмаса! Халқ тилида бўлган ва бўлмаган (яъни, фақат Қодирийга хос) ғаройиб жумлалар, теша тегмаган иборалар, мақол ва маталлар бу жажжи асарларга янада жозибадорлик бағишлаган дейиш мумкин. Энг қизиғи шундаки, сизу бизнинг оғзимиздан чиқса от ҳуркадиган "каломи муборак" - сўкиш ва ҳақорат сўзлари ҳам, Овсар ё Думбул фельетонларида ўзининг дағал маъносини андак ўзгартиргандек, қулоғингизга ёқимли эшитилади. Масалан, "қорнини ёрғанда алиф ўрнига лоақал калтак чиқмайтурган дардисар" деб таърифлайди ёзувчи "Эшонларимиз"<sup>48</sup> сарлавҳали фельетонида бир қаҳрамонини. Унинг саводсиз бир нодон эканлигини бу қадар образли тасвирлаш учун унча-мунча қалам ожизлик қила эди.

1924-йили "Москов хатлари" туркум ҳажвияларининг хатларида Москва ҳаёти, ўзи кўрган билган, унга қизиқ бўлган воқеалар ҳажв орқали берилади. У ерга ўқишга келганларнинг ҳолини, "она сути оғзидан кетмаган"лигини, "йиғлама ёрим"ни куйлаб юрибди деб юмор қилади.

"Ғиди-биди гаплар"<sup>49</sup> ҳажвиясида эса бир сўфи ҳақида: "Кўзининг ёшидан соқолиға марварид мунчоқ осибдир", деб ёзади.

---

<sup>48</sup> Қодирий А. Диёри бақр. Т., Янги аср авлоди НММ. 2007. Б. 183.

<sup>49</sup> Ўша асар, 190-беҒ.,

Бир вақтнинг ўзида кўп ишларга унайдиган бир замондоши қиёфасини "Олти йиллик базм"<sup>50</sup> мақоласида шундай чизади:

"Тўрт томонга югуриб тили бир ярим қарич осилган; бир кўзи Мағрибда, бир кўзи Машрикда; серҳаракату бебаракат..."

Қодирий мадраса кўрган, ҳам рус-тузем мактабида ўқиганлиги боис, араб, форс ва рус тилларини билган. Лекин у биринчи галда ўз она тилининг бор латифлигию бойлигини нозик жиҳатларигача ҳис қилар, билар эди. Шунинг учун сўз қўллаш, жумла тузиш борасида унинг асарларидан камчилик топиш қийин. Фақат бир-иккита сўз унинг айрим асарларида имловий томондан ҳар хил ёзилганлигини айтиш жоиз. Бу ҳам Қодирийнинг айби бўлмай (эҳтимол, мусахҳиҳлар адашгандир), балки ўша даврда адабий тил меъёрларининг ҳали бир системага солинмаганлигидан, дейиш тўғрироқ бўлса керак. Мисол учун, "ёмғир" сўзи "Тошканд хабарлари"<sup>51</sup> ва "Биз ким ва нималардан кўрқамиз?"<sup>52</sup> мақолаларида "ёғмур", "Бозор суриштирмайдир"<sup>53</sup> ва "Ҳақиқат – очиб сўзлашдадир"<sup>54</sup> мақолаларида "ёмғур" тарзида ёзилган.

Жулқунбой асарларининг халққа тез етиб бориши ва унинг севимли мулкига айланишида мақол ва маталларнинг ўрни беқиёс.

"Иштонсизнинг чўпдан хадуги бор", дейди адиб "Биз ким ва нималардан кўрқамиз?" мақоласида. (Сарлавҳа билан мақол ўртасидаги маъно уйғунлигига эътибор беринг!) "Ит суяк чайнамаса, тиши қичийдир" - "Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас"<sup>55</sup> мақоласида. "Ош тегса - тўй, тегмаса тафарруж" (яъни, томоша), "Аватига чавати, мисқозонга лойтувоқ", "Эшагига яраша тушови" - "Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр" мақоласида.

---

<sup>50</sup> Ўша асар, 200-беҒ.,

<sup>51</sup> Ўша асар, 175-беҒ.,

<sup>52</sup> Ўша асар, 159-беҒ.,

<sup>53</sup> Ўша асар, 70-беҒ.,

<sup>54</sup> Ўша асар, 103-беҒ.,

<sup>55</sup> Ўша асар, 181-беҒ.,

"Кўз бўлмаса, қозикнинг ўрни", "Мия бўлмаса, шалоқ арава ҳам мияга ҳисобланур эмиш", "Қувондиқ сассиқ ўз айбини била қолса, юраги ёрилиб ўлар экан", "Бордан юқар, йўқдан нима чиқар?" - 22 қаторли митти "Узр"<sup>56</sup> ҳажвиясида шунча ибора!

"Ўқувчи ўртоғим, маълуминг бўлсинки, ман ҳар вақт санинг кўнглингга қараб жиннилик қила бермайман; қалам деган нарса ҳам ўқлоғи эмас". Бу сўзлар Жулқунбойнинг "Бир чимдим билдириш"<sup>57</sup> луқмасидан олинди. Чиндан, бўлар-бўлмас мавзуларни қаламга олавериш, ўзининг ибораси билан айтганда, "ҳар кимга ўхшаб бекорга кучана бериш" адиб маслагига ёт бир иш эди. Аммо миллат шаъни, юрт обрўси каби масалаларда у ўзини совуққон ёхуд, менга барибир, қабилида лоқайд ва бепарво тутган деёлмаймиз. Хусусан, ўша пайтдаги "Оқ жўл" газетасининг вақтинча муҳаррири Назир Тўрақуловнинг "Ўзбек қариндошларимизнинг диққатларига"<sup>58</sup> сарлавҳали мақоласига жавоб ёзган "Ҳақиқат – очиб сўзлашдадир" мақола хатида бу ҳол яққол кўринади. Гап шундаки, Назир Тўрақулов газетанинг айрим сонларида туркистонликлар шаънига тегадиган мақолалар эълон қилингани, бундан қон-қардошлар орасида зиддият келиб чиқмаслиги учун мазкур мақоласини ёзади.

Қодирий муаммоларни ҳал этишда самимийлик, тўғри сўзликлик бўлмоғи зарур, деб ҳисоблайди. Ичда қолиб кетган биргина сўз бора-бора иллатга айланиб, можаро устига можаро ясаши мумкинлигига ишора қилиб дейди: "Ўртоқлар бизга чин дўст бўлсалар кашф этдиклари, ҳақиқатни ичда сақлаб эмас, гарчи аччиғ бўлса ҳам очиб-чочиб сўзласунлар. Мана шундагина риёсизлик, чин оғалик майдонга келур..."

Дарҳақиқат, унинг асарларини ўқир экансиз, биронта қочирим ибора, мақол, ўхшатиш тугул, яримта сўз ҳам бемаврид тиқиштирилган, пардоз

---

<sup>57</sup> Ўша асар, 132-беҒ.,

<sup>58</sup> Ўша асар, 449-беҒ.,

сифатида қўлланган ўринни кўрмайсиз. Сўзлар, жумлалар (улар орасида бироз тарашланса ҳам бўладиган, чапаничасига айтилганлари ҳам йўқ эмас!) шунчалик ўрнида ишлатилганки, мутолаа қилаётиб, э, манави сўзни бундай қўлласа ҳам бўларди-ку, деёлмайсиз.

Абдулла Қодирий ижодий меросида қарийб саксондан ортиқ катта-кичик ҳажвиялар ўз мавзуи, жанри жиҳатдан бир-бирини тўлдириб, ўзбек миллий ҳажвияси заминини яратади. Хусусан, “Тинч иш”, “Калвак Махзумнинг хотира дафтарида”, “Тошпўлад тажанг нима дейди?” каби ҳажвий ҳикояси, қиссалари адиб ижодида ҳам, умумадабиётимиз ривожиди ҳам муҳим ҳодисадир. Тўғри, адиб ҳажвиячилиги осмондан яралмади. Энг аввало бой халқ ижоди, минг йиллик мумтоз адабиётимиз ва яна Ғарб ва Шарқ адабиётларининг ноёб ҳажвий намуналари маҳорат мактаби вазифасини яратди, дейиш мумкин. Зеро, адибнинг “Калвак Махзумнинг хотира дафтарида”, ёки “Тошпўлад тажанг нима дейди?” каби ҳажвий қиссалари руҳида, характерлар нутқи ва муомиласида машҳур Афанди латифалари, халқ китоблари, эртақ ва дostonларига хос тасвирлаш усуллари ва услуби омукта бўлиб кетган. Шунингдек, Шарқ ҳамда Ғарб адабиётларининг бу борадаги анъаналаридан баҳраманд бўлган. Хусусан, Татар ва озар ҳажвчилиги мактабларида дарслик – қўлланма вазифасини ўтаган дейиш мумкин. Аммо адиб кимдан нимадан ўрганган ёки фойдаланган бўлмасин, ўз овози ва сози билан миллий ўзбек реалистик ҳажвчилиги анъаналарини янги поғонага кўтарди. Ҳеч бўлмаганда у яратган Шариф Охунд, Ширвон хола, Калвак Мағзум, Тошпўлад тажанг каби характерларни эслаш ўринлидир.

Абдулла Қодирийнинг “Тинч иш” (ҳикоя дастлаб “Тонг” журналининг 1920 йил 2-сониди 56-64 бетларда берилган)<sup>59</sup> ҳикояси кўп қодирийшунослар ҳажвий асарга киритишни истамайди. Аммо Шариф

---

<sup>59</sup> Қодирий А. Диёри бакр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007. Б.77.

Охунд образига келганда ундаги ҳажвий хусусиятдан кўзларини яшира олмайдилар.

Сабаби, Шарий Охунд ўз маъно-моҳияти билан ҳажвий образ. Зеро, у оддий кулгудан кўра, аччиқ, кинояли кулгуга мансуб. Мазкур ҳикоя ўз тузилишига кўра етти ихчам лавҳалардан ташкил топган. Ҳар бир лавҳа асар қаҳрамони Шариф Охунд характери ечимидида ўзига хос босқичларни яратади. Агар биринчи лавҳада қаҳрамон характери ва ҳолатига хос портрет яратилса, айнаи чоғда унинг икки муҳим белгиси, исломийлиги ва сиёсийлиги қайд этилса, иккинчи лавҳада оқ подшо Николайнинг тахтдан тушиш оқибати, бунинг қаҳрамон руҳиятига таъсири ифода этилади. Учинчи бўлимда бўлса, Николайнинг тахтдан ағдарилиши оқибатида Шариф Охундда пайдо бўла бошлаган маъюслик, умидсизлик ва айнаи чоғда мударис сифатида тайин этган “Указ”дан ғурурланиш ҳолати қарама-қарши кўйилиб тасвирланади. Шу билан бирга “Хуррият”, “Сайлов” тушунчаларини ҳа деганда ҳам маъно-мазмунига ета олмаслиги ҳам ҳажв этилади. Тўртинчи лавҳада “дин бузғувчи даҳрий ёшлар”га қарши курашда ғолиб келиб, энди Николай золим, Керенский – одил деган ҳукмга келади. Бешинчи бўлимда “янги ҳукумат қаршисига большевиклар кўзғол”лишидан хабар топиб, Керенский ҳукуматининг абадул-абад ағдарилмаслиги дуосини қилади. Олтинчи лавҳада эса, биринчи бор бир милтиқ товушини эшитиб, суроби тўғри бўлиб қолади, узлатга чекина бошлайди. Ва ниҳоят, еттинчи лавҳада ҳамма нарсадан воз кечиб тинч иш имомгарчиликка ўтиб олади.

Ҳикоянинг дастлабки жумласига эътибор беринг: “Энди бу зот ҳам уламодан бири эди”<sup>60</sup>. Ана шу пичинг, киноя билан бошланган ҳикоя баёни айтилганидек, босқичма-босқич ўз поёнига кўтарилиб, “бу зот” мадраса тупроғини ўттиз йил ялаган “Домла Шариф Охунд” эканлиги аён бўлади.

---

<sup>60</sup> Ўша асар, 77-беҗ.,

Яна бу зот диний олим бўлиш устига сиёсатдан ҳам хабарсиз эмас эди...”<sup>61</sup>. Маълум бўладики, Шариф Охунд ҳақидаги тасвир тобора куюклашиб, ўз маромига кўтарилади. Оқибатда на динда, на сиёсатда кўлидан тайинли бир иш келмайди, ҳамма интилишлари ҳаракатлари, кулгули бир ҳолатда саробга айланади. Энг муҳими, адиб Шариф Охундлар тақдири, характери тасвири воситасида инқилобий ўзгаришлар даврига дош беролмаган, изтироб ўтида куяётган, келажагини йўқотган аянчли шахсларнинг умумлашма типини яратади. Зеро, бундай мажрух, манкурт типларнинг дунёга келиши ўлканинг мустамлакачилик сиёсати оқибатида вайронликка, қашшоқлик ва саводсизликка дучор этилиши эди, деган ғоя илгари сурилади. Ғафлатдан, қолоқликдан қутқаришни бош йўли ўз халқини уйғотиш, маърифатга, истиқболга етаклаш эди.

Хуллас, Абдулла Қодирий яратган деярли барча ҳажвий асарларда ана шундай ижтимоий-сиёсий фикр у ёки бу тарзда ўз ифодасини топган. Би жиҳатдан адиб яратган “Калвак Махзумнинг хотира дафтарида” ҳамда “Тошпўлад тажанг нима дейди?” каби ҳажвий қисалари муҳимдир. Ҳар иккиси ҳам композицион қурилишига кўра ўзига хос бўлиб бир-бирини такрорламайди. Агар “Калвак Махзумнинг хотира дафтарида” қиссаси қарийб йигирмага яқин ҳажвиялардан таркиб топган бўлса, “Тошпўлад тажанг нима дейди?”<sup>62</sup> қиссаси ўндан ортиқ туркум асарлардан таркиб топган. Ҳар икки асарда ҳам бош қаҳрамон ўша алоҳида-алоҳида туркум мақомида ҳажвияларни бир-бирига боғлаб туради. Ва асарга яхлитлик бағишлайди. Шунингдек, ҳаёт иллатларидан кулиш, ижтимоий иллатлар, нуқсонларни бартараф этишга қаратилган танқид руҳи бўлакларини узвий боғлайди, ғоявий-бадиий бирлик юзага келади. Баъзи қодирийшунослар бу ҳолатни фельетонлар тизмасидан, туркумидан иборат деб ҳам

---

<sup>61</sup> Ўша асар, 78-беТ.,

<sup>62</sup> Ўша асар, 277-бетдан 297-бетгача.



қарайдилар<sup>63</sup>. Зеро ҳажвий адабиётнинг асосий хусусияти, белгиси мавжуд ҳаётий иллатларни, инсондаги нуқсонларни ҳажв этишга шу асосда объектни ё тасдиқлаш, ё инкор этиш мақсадларини илгари суради. Албатта унда кулгу, масҳара, танқидий руҳ устуворлик қилади. Тўғри фельетонда ҳам шу ҳолат етакчи аммо, у аниқ шахсга, аниқ даврга, аниқ объектга қаратилганлиги билан фарқланиб туради. Бинобарин, фельетон жанрида бадиий умумлаштириш, индивидуаллаштириш ҳажвий ҳикоя ёки қиссага нисбатан чегераланганлиги билан фарқланади. Модомики, шундай экан, мавжуд ҳар икки қиссани фақат фельетонлар йиғиндиси, туркуми ёки тўплами деб баҳолаш мавжуд қиссалар хусусиятини ва ҳажвий индивидуаллигини англамасликка олиб боради. Агар адиб ўзининг “Тинч иш” ҳикоясида Шариф Охунд каби динда ҳам, сиёсатда ҳам ўзини ўта билимдон қилиб кўрсатишга интилган, аслида эса ҳар иккисидан ҳам чаласавод шахс ҳатти-ҳаракатидан кулса ва кулдирса, энди Калвак Махзум қиёфасида бошида сават янглиғ салла-ю, эғнида зарварақ тўн ва қўлида юз битталиқ тасбеҳ билан салобат тўккан чиранчиқ, ҳар бир нарсани ўз қаричи билан ўлчайдиган, “охир замон ишлари”дан жар солган, ҳаммани ақлсиз-у ўзини ақилли қилиб кўрсатадиган такасалтанглар устидан кулгу уйғотади. Зеро, Махзум бу ҳолатга тўсатдан тушиб қолган эмас. Унинг илдизи у тарбияланиб вояга етган ижтимоий муҳитда, маънавий ахлоқий тубан ва жоҳил оилада вояга етганидан эди. Адиб маҳорати шундаки, ана шу фикрни асослаш ва унга ўқувчида ишонч уйғотиш учун қисса ўрталарида Махзум таржимаи холини беришдир. Гўё шу ҳолат асарга яхлитлик, қаҳрамонга тўла-тўқислик бағишлайди. Адиб яратган ҳажвий характерлар орасида Калвак Махзум ўта мураккаб кўринишга эга. Бу жиҳатдан “Тинч иш”даги Шариф Охундга яқин туради.

---

<sup>63</sup> Худойкулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикасининг шакилланиши ва ривожланиш тамойиллари. Тошкент., Фил.фан.докТ., автореф. 2001. 36-беТ.,

Худди шунингдек, Махзум нутқида ҳам шу ҳолатни кўриш мумкин. Агар Тошпўлат тажанг, Ширвон хола ва хатто Шариф Охунд нутқи оддий сўзлашув тилига яқин бўлганлиги билан бир-бирига ҳамоханг бўлса, Калвак Махзумда эса эски қадимги мураккаб, китобий нутқнинг ўзгинаси эканлиги билан ажралиб туради. Шу боис Махзум нутқи, дабдабали, бурама, мураккабдир. Зеро, калвак Махзум адиб яратган реалистик ҳажвий образлар орасида ана шу жиҳати билан ажралиб туради. У ҳам кулгили ҳам фожеали образдир. Шу сабабли китобхонда гоҳ нима табассум, гоҳ аччиқ кинояли, гоҳ фош этувчи кулгу алмашиб туради. Агар Махзум ҳаётининг янгилиниши, ўзгариши тўғрисида васваса ҳолатларига тушиши, дунё хабарларини нақл қилиши ёки ит уриштираётган болаларга муносабати ва милиция билан учрашувларда юмшоқ, майин кулгу юмор устувор бўлса, унинг ўқувчи билан муомилада бўлиши, мадрасадаги ҳаром ишлари, оилавий ҳаётдаги нўноқлик ёки лоқайдлик, қайнатасидан калтак еб қочиши ҳолатлари захарҳанда, бешафқат масҳараловчи кулгу билан йўғрилгандир.

Адибнинг “Тошпўлад тажанг нима дейди?” туркумида эса бошқача манзара кўзга ташланади. Унда ўз даврининг янги бир ижтимоий табақаси-жаҳолат ва қоқоқлик муҳити яратган чапанлар устидан кулгу устувордир. Фақат чапана-такасалтанглар устидангина эмас, улар хатти-ҳаракатлари, сўзлашув ва имо-яшоралариорқали нобоп бойлару баёнлар, ҳокиму ҳакамлар устидан аёвсиз кулгу, аёвсиз масҳаралаш ҳам илгари сурилган. Асар қаҳрамони Тошпўлад тажанг ёки Тошпўлад тоға адиб яратган Шариф Охунд, Ширвон хола ёки Калвак Махзумларданалоҳида хусусиятлари, асарда тутган ўрни ва аҳамияти жиҳатидан ажралиб туради. У аввало баъзи инсоний фазилатлари, одамийлиги билан ҳам, нуқсонлари билан табиий одам сифатида намоён бўлади. Шу сифатлари билан Охундлар каби манкурт, текинхўр, товламачи ва мақтанчоқ эмас. Кези келганда ҳеч нарсани аямай фош этади. Адиб бу ўринда энди тасвирнинг турли усуллари билан фойдаланади. Тошпўлад гўё тафтишчи-ю ҳаётнинг ҳамма

катламларини кўздан кечириш ҳуқуқини қўлга киритган. Унинг дастидан на бозор қолади, на мардикор фаолияти, на налогчи-солиқчилар-у на нашаванд, ичкиликчилар қолади. Агар бирор жойда анқов лапашанг налог бошлиғини довдиратиб қўйса, яна бир ўринда лоқайд, дангаса мардикорнинг еб турган ошини оғзидан ҳам олдириб қўйишини қоралаб ўтади. Айни чоғда камбағалчиликка тушириб қўйган “Николай золим”га нафрат билдиради. “...Тунов кун бозорга тушган эдим,-деб ҳикоя қилади Тошпўлад тажанг,-қулинг қарасам кетмон кўтарган хумсаларинг арофат. Қулинг ҳам қаторға кириб ўтурдум. Ҳайтовур мардикор бозорини ижарага олган хумса йўқ. Санга ёлғон худоға чин, одамзотнинг юзтаси-тўққиз пул:...феълим айнади, “вой камбағалчиликни чиқорғани!”-дедим. Кетмонни тегимга қўйиб ўтирдим. Ёнимда бир безгак: рангини қарасанг, сариқ сумалак, бенинг устига “эҳи-эҳи” қилиб йўталиб ҳам кўярди. “Ҳа”,-дедим касалингни мардикор бозорига сотасанми, ука?-дедим. “Эй ука”,-деди. “Йўқчилиги курсин, жўжавурдек одамман”-деди. Ўзи деҳқон фарзанди экан...”<sup>64</sup>. Ана шу деҳқон мардикор фарзанди билан мулоқот оқибатида Тошпўлад тажангда ҳам унга нисбатанбир инсоний раҳм-шавқат уйғона бошлайди. “Сан кет, ака”-дедим: “Ана шу кун бўйи қанча ишласам, саники бўлсин. Касалингни уйингда торт”-дедим. Шунда Тошпўлад тажанг қадди-қавматига учиб, бир хужайин келиб савдолашади, ўн икки тангага келишади. Тажанг эса ўша “безгак” мардикорни ҳам олиб кетишни мўлжаллайди. Аммо “...жуда ҳам пихини ёрган туллак хўжайин” безгакнинг аҳволини кўриб ижирғанади. Аранг бир сўлкавойга олиб кетади. Оқибат мардикор эгаси бозорга кетганидан фойдаланиб, зўр бериб, Тажанг ер чопади. “Безгак”ни дам олдириб ётқиздириб қўяди. Кечкурун ўша олган ўн икки танганинг ўн бирини “безгак” мардикорга бериб юборади. Ўзи эса оч қолиб кетмонини ҳам олти тангага сотиб юборади.

---

<sup>64</sup> Қодирий А. Диёри бакр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007. Б. 285.

Яна бир мисол: Тажанг бўзахонада ўтириб хаёл суради. Машойихлар айтган қуйидаги ғазални хиргойи қилади.

*Бир одил подшо бўлса*

*Ҳар ким суйганин олса...*

Аммо, бетавфиқ замон “суйганини”гина эмас, бир бурдагина нонга зор қилиб кўйган. Тажанг даврасида ўтирганлардан бири: “Қорним оч беш оқ танга бер” дейди. Биттаси “галавам айнади битта ароққа узатиб тур” дейди.

Нима қилай ёнимда бўла туриб, хумсалик қилайми, одамгарчилик кўймайди, ахир!... Чойхонада кўкчойни шопуриб ўтирсам, бир кампир: “Болам оч”,-дейди, “қизим касал, эрим ўлган”-дейди. Йиғи –сиғи ҳудай ҳаққи юрагинг ачийди. Ўзинг одам фарзандимисан”<sup>65</sup>.

Кўринадикки, адиб Тошпўлад тажанг ҳатти-ҳаракати ва характерида фақат ижтимоий иллатларни, одамлардаги нуқсонларни фош этиш билан чегараланмайди, балки имкон қадар шу нуқсонларни, камчилик ва етишмовчиликларни бартараф этиш мақсадларини ҳам илгари суради. Камбағалчилик, йўқчилик ва қашшоқлик оқибатида довдираб қолган айрим кишиларга мададкорлик йўлини ҳам излайди. Агар “силлиқ тўн кийган бойваччалар” муҳтожлик ва ноиложликдан чўзилган кўлларга: “Худой берсин” деб ўтиб кетсалар Тажанг: “Бери кел опа, “Ма”, “Олиб бор”, “Дуо қил она” -дейди”. Кези келганда довдир, маъсулиятсиз налогчи-солиқчи бошлиқларни эса тоза масҳаралайди. Кулгу ўтида ёндиради. Кунларнинг бирида чойхонада ўтирганда “Комиссия чақиряпти”, - дейишади. “Ҳа”,-дедим. “Налог бошинг қайси хумса ўзинг”,-дедим. У столчада ўтирган биттасига тўғирлашди. Липпамдагини олиб, қўлига бердим. “Бени додига ет, Пажалиска”,-дедим. “Отингиз нима?”- “Тошпўлад”, “Отангизнинг оти”, “Эшмурод”. Сўраб нима қилди дегин:

---

<sup>65</sup> Ўша асар, 280-беҒ.,

“Ҳа”-дейди. Сиз Тошпўлад Эшмурод ўгли беш сўм тўлар экансиз. “Чақаси бўлмасачи?”,-дедим.

– Нима иш қиласиз?

– Бекорчилик.

Шундан кейин дафтарини очиб: “Тошпўлад Эшмурод ўгли, тегирмончи.”

-Сиз кўрган тегирмоннинг тоши синиб қолган дедим”<sup>66</sup>.

Зеро, “Шу замоннинг ҳезалакларига тушунмадим-да”,- деб бошланган ҳажвий қисса оғзи шалоқ чапани ва тажанг Тошпўлад тилида ҳикоя қилинади. Бундай мураккаб нутқ шаклини қўллаш ижодкордан катта маҳорат талаб қилади. Чиндан ҳам истеъдодли адиб Мурод Муҳаммад дўст алоҳида қайд этгандек, адиб ҳикояларида “...кулгунинг беозор жилмайишидан тортиб, ўлдирадиган захархандага қадар ҳамма туридан топилади. Қодирий сатираси жуда кучли. Пародия усулини қўллашда Рабле ёки Свифтдан қолишмайди. Қодирий сатирасида яна бир нуқта борки бу – холислик. Гўё ёзувчи бефарқдай туради. Қаҳрамоннинг ўзи гапиради. Тўйиб тўйиб сўзига маст бўлиб гапиради”<sup>67</sup>.

Абдулла Қодирий маҳорати ҳам шундаки у биринчи шахс “мен”и орқали ҳаётини фожеликларни қойилмақом тарзда уммулаштириб берди. Шунингдек, адиб яратган ва биз кўриб турган барча ҳажвий асарлари конфликтга қаҳрамон билан тушиб қолган шароит заминидан туғилиши билан характерланади. Бинобарин, ўзаро қарама-қарши кучлар, кутблар орасида эмас, балки қаҳрамонларнинг ички, руҳий олами тарзида, коллизия кўринишида намоён бўлади. Шунинг оқибатида адиб қаҳрамонларнинг ташқи ҳолати, қиёфасидан кўра, ички, руҳий қиёфасини очишга эришади. Бу ҳол асарни ўқимишли, маъноли бўлишини таъминлайди. Коса остидаги нима коса сир асрорини ҳам очишга эришади.

---

<sup>66</sup> Ўша асар, 289-бەт.,

<sup>67</sup> “ Шарқ юлдузи” журнали 1984-йил 4-сон.

Хуллас, Абдулла Қодирий яратган насрий, хажвий асарлари адибнинг бу борадаги ҳам етук истеъдод соҳиби эканлигини яна бир бор амалий самараси эди. Қатламдор ҳажв, сержило кулги воситасида ўз даврининг ижтимоий, сиёсий ва оилавий иллатларини рўйи рост фош этди, қоралади. Фақат қораладигина эмас, ундан қутулиш покланиш сари бориб, нузли келажак, истиқлол чироғини ёқмоқчи бўлди. Бунда реалистик адабиётга хос тасвирда бетарафлик, холислик усулидан кенг фойдаланди. Пировардида, бу бордада ўз адабиётида устозлик мақомига кўтарилди. Адибнинг шеъриятда, драмада, ҳикоя ва ҳажвда орттирган тажрибаси йирик эпик ижодида жуда-жуда қўл келди, маҳорат пиллапояси бўлиб хизмат қилди. Унинг асарлари мудом эъзозда эканлиги, улуғлиги сабабларидан бири ҳам шу бўлса керак.

## 2.2. А. Қодирий ижодида хатларнинг аҳамияти

Абдулла Қодирий ижодида хатларнинг ўрни ниҳоятда катта. У ўз романларида бу жанрдан усталик билан фойдаланган.<sup>68</sup> Асар қаҳрамонларининг бир-бирига ёзган хатлари ўзаро фикрлашиб, дардлашиб туришнинг муҳим воситалардан бири сифатида келтирилади. Бундан ташқари хатлар қаҳрамонларнинг ички монологи бўлиб, персонажларнинг маънавий дунёсини тасвирлашда қўлланилган.

Асардаги хатларни кузатадиган бўлсак, уларнинг барчаси эркин бадиий услубнинг ёрқин намунаси эканига ишонч ҳосил қилинади.

Бадиий асардаги хатларнинг тузилиши унчалик содда эмас: уларда шеърӣ парчалар, кичик лавҳалар, тарихий воқеалар ҳақида ҳикоялар келтирилади. Ҳар бир нома бошида албатта, аввало Оллоҳга ҳамду санолар, соғлиқ омонлик учун шукроналар айтилади. Ниҳоясида эса ёзилган йили санаси аниқ ёзилади. Бу эса муаллифнинг ҳар бир масалада реалистик аниқликка интилганидан далолат беради.

Баъзида эса хатнинг ўзи воқеалар ривожидан олдиндан хабар бериб ёки асардаги муайян эпизодни такрорлаш вазифасини бажариб, романларнинг умумий тузилишида муаллиф томонидан баён этиладиган ҳодисалар учун ўзига хос дебоча, экспозиция бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотмизда эса Абдулла Қодирий публицистикасидаги хатлар олинди ва таҳлил қилишга ҳаракат қилинди. Кўпчиликка маълумки, Абдулла Қодирий ижодида очиқ хатлар, жавоб хатлар ва Москвадан ёзилган хатлар жуда муҳим ҳисобланади. Айнан журналист-публицистнинг хатларида ижодкор шахси қарор топади. Ижодкорнинг характери, руҳий олами, ўзига хослиги акс этади. Унинг биринчи хати “Тошканд хабарлари” (Ғози Юнусга очиқ хат)<sup>69</sup> номи билан 1919 йилда

<sup>68</sup> Шарафутдинова М. Хатдир кўнги́л дафтари. Тафаккур. 2009. 4-сон. Б. 38.

<sup>69</sup> Қодирий А. Диёри бакр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007. Б. 61.

“Иштирокиюн” газетасида эълон қилинади. Бу очик хати орқали Ғози Юнус<sup>70</sup> нинг эски шаҳар синфий иттифоқлар шўросидан кетиб, унча муҳим бўлмаган ишлар билан шуғулланиб юрганини айтиб ўтилади: “Биз сизнинг ҳозир ишлаб турган артистлигингиз, “Автўр”лигингиз ва бошқа ишларингиздан бу ишни юз қатла муҳимроқ деб биламиз...”

“...Ўртоқ! Ҳали ҳам бўлса ишка келиб киривиришингизни ишларга кишиси йўқ ўттиз тўрт минг меҳнаткашлар номидан сўраймиз”<sup>71</sup>.

Абдулла Қодирий ижодида алоҳида ажралиб турадиган чиқишлардан бири “Ҳақиқат –очик сўзлашдир” мақоласидир. Мазкур мақола Нозир Тўрақуловнинг “Ўзбек қариндошларимизнинг диққатиға” мақоласига бағишланган очик хати бўлиб, у бу чиқиши билан “Оқ жўл” газетасида берилган бир фельетон натижасида юзага келган низога, низони холис баҳолашга, ҳал қилишга бағишланади. Ўртадаги алоқани яхшилашга интилади. “Баённомачи ўртоқлар бизга чин дўст бўлсалар кашф этдилари, ҳақиқатни ичда сақлаб эмас, гарчи аччиқ бўлса ҳам очиб-чочиб сўзласунлар. Мана шундагина риёсизлик, чин оғалик майдонга келур ва шундагина “Дўст ачитиб сўзлар, душман кулдириб” деган ҳикматли сўзга яқинлашилган бўлинур”<sup>72</sup>

Абдулла Қодирий ижодида бунга ўхшаган мақолаларга жавоб тарзида ёзилган хат – мақолалари кўплаб учрайди.

Ундан ташқари унинг яна бир очик хати айнан жавоб мақолалари билан боғлиқ. Бу нома “Ўртоқ Рафиқ қори Зоҳидийга очик хат” номи билан “Туркистон” газетасида 1924 йил 372-сонида босилади. Бундай хатлардан яна бири “Сарт оға-иниларга”, “Олимжон Иброҳимовга” бағишланган “Тарихий ҳалокат олдинда” мақоласига жавоб хати ҳисобланиб, унда ҳам баъзи нозик масалалар – ўзбекларнинг татар

---

<sup>70</sup> Ғози Юнус- “Иштирокиюн”, “Қизил байроқ”, “Туркистон” газеталарида муҳаррир, “Муштум” журналининг бош муҳаррири бўлган. Матбуотда фаол қатнашган, ҳикоялар фельетонлар, сахна асарлари муаллифи

<sup>71</sup> Қодирий А. Диёри бақр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007. Б. 61.

<sup>72</sup> Ўша асар, 107бсТ.,



аёлларига уйланиши ва бу баъзи норозиликларга сабаб бўлаётгани кўтарилади: “Ёйинки сизники чаккими?.. Шу балия<sup>73</sup> га гирифтор бўлган ўзбек оға-инилардан каминага ҳамиша зорланиш хатлари ва бу балодан кутулмоққа тадбирлар сўраб мурожаатномалар кела бошлағач умумий равишда ушбу циркуляр<sup>74</sup> имни ёзмоқга мажбур бўлдим.”<sup>75</sup>

Мазкур жавоб хати орқали татар ва ўзбек муносабатини батафсил ёритади. Журналистнинг публицистикасида хат жанри ўз ўрнига эга. Жумладан, “Хусусий мактублар” ҳангомасига эътибор қаратайлик. Мазкур ҳангома хат жанри орқали ёзилган бўлиб, бу чиқиши орқали Абдулла Қодирий жамиятдаги муаммоларни, хусусан, матбуотга, театрга муносабат, ғайри оддий воқеаларга ўчлик каби масалалар кўтарилади: “...Оёғинга қараб юр!..Кечаги газетада ҳақимда алжиганингни бу галча бола-чақанг ҳурматига кечирдим. Йўқса битта каллакесарга закас берилган эди...Имзо...!”

“Резолютсия<sup>76</sup>: ўзим ҳам жондан тўйганман!”<sup>77</sup>

Ушбу хат орқали матбуотнинг кучи, журналистнинг ҳолати кулгу орқали тасвирланади. Халқнинг уйдурма ва ғайриоддий воқеаларга ўчлигини эса қуйидаги хат орқали акс эттиради: “Биродар! Қўсқор подачининг сигири тескари туғубдир. Шунини ўхшатуб газетанга ёзмайсанми? Ўзи жуда қизиқ гапда!

Имзо...”

“Резолютсия: саники ҳам маъқул!”<sup>78</sup>

Бундан кўриниб турибдики, ижодкор хат жанридан бу чиқишларида, ҳангомаларида усталлик билан фойдаланган.

---

<sup>73</sup> Балия-абло, офат (Қодирий А. Диёри бақр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007.)

<sup>74</sup> Сиркуляр-сиркуляр-юқори ташкилотнинг қуйи ташкилотга кўрсатмаси (Қодирий А. Диёри бақр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007.)

<sup>75</sup> Қодирий А. Диёри бақр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007. Б. 102.

<sup>76</sup> Резолютсия-қарор (Қодирий А. Диёри бақр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007.)

<sup>77</sup> Қодирий А. Диёри бақр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007. Б. 134.

<sup>78</sup> Ўша асар, 134-бет

Айниқса, унинг публицистикасида “Москов хатлари” алоҳида эътиборга ва қийматга молик. Абдулла Қодирий 1924 йилнинг ёзида Москвага кетади, журналистика институтида ўқийди. Мазкур хатларни ўша ердан редакцияга йўллайди. Бу хатлар “Муштум” журналининг 1924 йилдаги 7 (27), 8 10, 11, 12, 18- сонларида эълон қилинади. Ушбу хатлар Москва ҳаётини, у ерда ўқиш ва савдо ишлари билан юрган ватандошларнинг ҳаёти, қилиб юрган ишлари ҳақида бирмунча қимматли маълумотлар беради. Шу билан бирга бу хатлар журналнинг ранг-баранг чиқишида ҳам муҳимдир. Бу хатларнинг деярли ҳаммаси журналнинг иккинчи бетида, етиб келганиданок босилади.

Мазкур хатларнинг таҳлиliga тўхталишдан олдин, унинг журнал фаолиятидаги ўрни хусусида тўхталсак. Қодирий иштироки журнал фаолиятида жуда муҳим ҳисобланган. Чунки, Қодирий жамиятдаги муаммоларни, камчиликларни, ўзига хос образлар, кулгу-юморлар орқали акс эттирган. Журналнинг оммабоп бўлишида унинг иштироки муҳим эканлигини юқорида асослаб ўтдик. Бу ҳақда журнал муҳаррири Ғози Юнус кесатиқ билан бўлса ҳам “Танқидми, тош отиш” мақоласида келтириб ўтади: “Муштум”ни бошлаб чиқаришда биз Жулқунбой каби кулгучиларимизга инониб чиқардик...

...Қанча қийинчиликлар билан “Москов мактублари”ни олиб босдик...”<sup>79</sup>

Бундан кўришиб турибдики, нафақат хатларнинг мақола фельетонларнинг ҳам ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

“Москов хатлари I” бу хат орқали журналист Москва одамларининг ўзига хослиги, табиати, кибор ва олифталлиги тўғрисида тўхталиб ўтади. Хатнинг диққат марказида эса Туркистон ўлкасидан келиб “тураликка ўқиб ётган оға-инилар”нинг аҳволи, ўзини тутиши, ўқиш баҳонасида қилиб юрган ишлари, сарф-ҳаражатлари туради. Бундан ташқари савдо

---

<sup>79</sup> Ўша асар 455-бет- .

масаласида келган ватандошларимизнинг номақбулчиликлари ҳам ўзига хос тарзда тасвирланган: ...ундан бунга совдо-сотик учун келиб, қаёқдаги тутуруқсиз шипингпоча<sup>80</sup> гўзаллардан шатта еб, Масков кўчаларида чаланглашиб юрган камерсант акаларимизнинг ҳаётидан ёзайми<sup>81</sup> .

“Масков хатлари II” хати мантиқий равишда биринчи хатнинг давоми бўлиб, биринчи хатда кўтарилган муаммоларни давом эттиради. Айниқса, бу ерга меҳмон бўлиб келган ва ўзини мусофир санаб, “қўлтуғидаги жажмондеккина бир хотун”ни олиб кечки сайирга чиққан “ҳам ватан” ларига нисбатан нафрат тасвирланади: “Эй, ўқуған беш вақт намозинг жигарингдан урсун-дедим ва давом этдим: - Эй, туткан рўзанг, ўгирган тасбеҳинг муччангдан урсун -дедим”<sup>82</sup> Бундан ташқари шаҳар кўчасини тўлдириб юрган, Туркистон баёнлари, уларнинг ўзларини тутиши ҳам хатда жуда гўзал, аниқ ҳаққоний тасвирлаб берилган.

Бундан кўришиб турибдики, биринчи ва иккинчи хатлар янги шароитга мослашиш, янги одамларни ўрганиш ва кузатиш самарасидир. Айнан, биринчи бўлиб кўзга “ғалати” кўринган ва қийнаган воқеаларгина қаламга олинган. Қодирий бу ҳолни кейинги хатларида ҳам давом эттиради.

“Масков хатлари III” эса асосан Туркистон ўлкасида нашр этилаётган ва Чор Россияси бўйлаб тарқалган матбуот нашрлари қаламга олинади. Матбуот фаолияти таҳлили асосан уч газета мисолида олиб борилади. Биринчи бўлиб “Туркистон” газетасига тўхталади. Газетанинг 327-сонида Элбекнинг “Текинхўрларға” деган шеъри чоп этилади. Ва бу шеърга Абдулла Қодирий пародия ёзади. Шундан кейин Ғайратий отлик ёш шоир имзосидаги мақолага тўхталиб ўтилади. “...Бу имзо устидаги гапни шеър вазнига солиб кўрмакчи бўлган эдим, лекин урдасидан чиқиб

---

<sup>80</sup> Шипингпоча – оёғи очик (Қодирий А. Диёри бақр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007.)

<sup>81</sup> Қодирий А. Диёри бақр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007. Б. 205.

<sup>82</sup> Лучча – лаб, дудоғ (Қодирий А. Диёри бақр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007.)

бўлмади”<sup>83</sup>. Журналист матбуот таҳлилини давом эттирар экан, “Фарғонам газетасининг 194-сонига тўхталиб ўтади. Газетанинг бош мақоласини тушуниш, таҳлилни жўнлиги, тили ҳақида батафсил ўз хулосаларини беради.

Бундан ташқари Шокир Сулаймоннинг “Сўзим” шеърини, унда кўтарилган муаммони, шеърнинг бадий жозибасини таҳлил қилиб ўтади. Таҳлил сўнгида эса “Зарафшон ” газетаси фаолияти, унда эълон қилинган мақолалар тафтиши ўрин олади. Айниқса, бу хатида газета тили, ўзбек адабий тили муаммоларини атрофлича, газетадан мисоллар билан таҳлил қилади: ...Ундан кейин “скидка”ни “гузашт” дейдир, “чечиреш” деган билан тили кесилиб қоладир”<sup>84</sup>

Абдулла Қодирийнинг бу хатларидан кейин “кичкина билдириш” ва “Муштум” журнаliga деб номланган ҳангомалари ҳам Москвага йўлланган бўлиб, журналнинг 2 ва 17 сонларида эълон қилинади.

“Масков хатлари 4” туркум хатларининг тўртинчисида эса ўзига хос тасвирлаш усулидан фойдаланиб баъзи муаммолар ўртага ташланади. Хатни уч қисмга бўлиб ёзади. Биринчи қисми “Мадҳал”<sup>85</sup>. Тумов ва учуниқ фалсафаси” деб номлайди ва бу қисмда Москвадаги Бухоро билим юрти билан боғлиқ масалаларга тўхталади, аниқроғи кириш қилади.

Иккинчи бўлимда эса ётоқхона ҳаёти, клапа ва бурга муаммоси, намгарчиликнинг таъсири, билим юрти ўқувчиларининг аҳволи тасвирланади. Учинчи қисмда ҳам шу муаммолар давом этади ва имкон даражасижа батафсил ёритишга интилади:

- Булар қаерда туғилган болалар, Бухородами, Москвадами?
- Бухорода.
- Қачон келганлар?
- Йўргакларида.

---

<sup>83</sup> Ўша асар 207 бет

<sup>84</sup> Ўша асар 211-бет

<sup>85</sup> Мадҳал-кечиреш (Қодирий А. Диёри бакр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007.)

–Нима қилмакчилар?

–Ўқимоқчилар.

–Оналари ҳам биргами?-дедим ва оёғим остида чувалашиб ётқан болаларни алдаб сулдаб четлагач, илгари юрдим. Эшик олдиға ётишим билан шу орада ўлтурган етти-саккизта қиз бирдан товушларини қўйиб, “Йиғлама ёрим”ни куйлаб юбордилар”<sup>86</sup>

Тўртинчи хати орқали Абдулла Қодирий ўқиш учун келган ватандошларини бош мавзу қилиб олади ва уларнинг “она сути оғзидан” кетмаганлигини, бу ҳолатда билим олиши душвор эканлигини тасвирлайди. Уни қийнаган бу дардлар бешинчи хатда ҳам давом этади.

“Москов хатлари V” туркумнинг сўнгиси эса том маънодаги хат жанри намунаси бўлиб, айнан жанр қоидаларига асосланиб ёзилган. Хат салом-алик, соғлик саломатликдан сўнг ўқиш баҳонасида келиб ошиқ ўйнаб, ит уриштириб, қўйлак-иштон йиртиб юрган болаларга тўхталиб ўтилади. Шу билан бирга Москвага юборилган “баъзи бир”лар аҳволи тасвирланади. Шундан кейин ашулачи Муҳиддин Қори “аҳволи руҳия”си баён қилинади.

Бундан ташқари хатда Москвага кўчиб келганлар ва почтада туну-кун пул кутаётган оч болалар ҳолати қуйидагича тасвирланади: “Ҳа, айтгандек, шу кеча кундузлар болаларингизнинг овқат важҳидан аҳволлари жуда танг бўлиб, кўб умрлари Туркпредадательингизнинг эшигида ўта бошлади”<sup>87</sup>. Бу тасвири орқали Абдулла Қодирий ўқишга келган болаларнинг умри беҳуда ўтаётганлиги кўрсатади ва пул жўнатишнинг ўзига хос усулини таклиф этади: “Ҳа, дея уч-тўрт қанор пахта-махтадан сотиб бўлса ҳам шуларингизни тинчитиб қўйинг, дада! Пахта пишиб қолди-ку, ахир!”<sup>88</sup>

---

<sup>86</sup> Қодирий А. Диёри бакр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007.Б. 218.

<sup>87</sup> Ўша асар 221-бет

<sup>88</sup> Ўша асар 221-бет

Москвадан жўнатилган хатлардан яна бири “Маслаки мақсаддан шаммаи изҳор”<sup>89</sup> бўлиб, бу хати орқали журналист кишилар, феъл атворидаги манманлик касалини кўтариб чиқади. Хат қаҳрамони ёзувчиликни ташлаб пул топишнинг янги йўллари, данғиллама уй қуришнинг чораларини излайди. Касб танлайди. Замон нозиклиги учун аксарият касб яроқсиз саналади. Ва қандай бўлмасин бир йилдан кейин данғиллама уйга келиш сўралади: “Замонамиз замон бўлсин, Манманлари омон бўлсин!”<sup>90</sup>

Абдулла Қодирийнинг сўнгги хатларидан бири “Луғат пудратчилиги ва қуруқ расмият” “Шўро ёзувчисининг хати” номи билан “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1934 йил 184-сонида эълон қилинади. Бу хат Абдулла Саидовга очиқ хат бўлиб, ижодкор унда “Русча-ўзбекча тўла сўзли луғат” тузиш бўйича қилган меҳнатига ҳақ олмаётганлигини ёзади. “Иш хизмат меники, Ўз нашр архивида сақланган асл қўлёзма меники, аммо бу меҳнат бараварига ҳақ олиш “виждонли” Саидовники!”<sup>91</sup>

Абдулла Қодирий хатлари орқали ўз даврининг муҳим масалаларини ёритади. Унинг хатларини ўрганишда асосий сабаб эса ижодкор шахсиятидир. Айнан, хатлардагина ижодкор шахсияти намоён бўлади.

Ижодкор шахсиятига тўхталганда унинг истеъдоди, забардастлиги, қомусий билимлар соҳиби, ўткир мушоҳада, теран ақл эгаси, бадиий савияси юксак эканлиги, ботиний туйғулар эгаси, кузатувчан виждонли, иймонли ўз она тилининг билимдони дунё кўрган инсонлиги намоён бўлади. Ижодкор шахсияти том маънода айнан хатларида бўй кўрсатади.

---

<sup>89</sup> Ўша асар 390-бет

<sup>90</sup> Ўша асар 225-бет

<sup>91</sup> Ўша асар 390-бет

### 3.1. “Муштум” журнали фаолиятида Абдулла Қодирийнинг ўрни

“Муштум” журнали 1923 йил 18 февралда “Туркистон” газетасига илова тарзда 1-сон уч минг нусхада нашр этилди. 1924 йилдан эса “Қизил Ўзбекистон” нашри сифатида чоп этилган. Бу ҳақда Абдулла Қодирий қуйидагиларни ёзади: “23-йилнинг февраль ойида, шекилли, “Туркистон” газетасига ўртоқ Абдулхай Тожи муҳаррир белгиланади ва шу ўртоқ бир кулги журнали чиқарингиз, деб мен билан Ғозини чақирди. (Бу вақтда Ғози газетанинг муҳаррири эди). Биз икковимиз ишга киришдик-да, натижада саккиз сонча “Муштум” чиқди”.<sup>92</sup>

Журналнинг биринчи сонида журнал ташкилотчиларидан бири бўлган адибнинг “Муштум таърифида” деб номланган бош мақоласи эълон қилинди: *“Бу “Муштум” зўрлик муштуми эмас, ҳақлик муштумидир, бу “муштум” золимлар муштуми эмас мазлумлар муштумидир. Шунинг учун унинг маъноси бошқачадир...”*<sup>93</sup>

Мазкур мақола журналнинг йўналишини белгилаш билан бирга “Муштумизўр”<sup>94</sup> (бақувват мушт) жамиятда эҳтиёж борлигини айтиб ўтади.

*“Тумшуғингиз устига янги меҳмон муборак бўлсин, афандилар”*<sup>95</sup> деб ижодкор жамият ва турмушдаги камчилик ва нуқсонларни кўтарувчи, уни юзага келтираётганларга “мушт” ўқталувчи янги журнал билан қутлайди.

Абдулла Қодирийнинг ўша давр матбуотида, айниқса, “Муштум” журналида эълон қилинган фельетонлари, публицистик ва адабий-танқидий мақолалари ўша давр журналистикасининг нодир намуналарига айланди.

---

<sup>92</sup> Қосимов Б.ва бошқалар. Миллий уйғониш даври адабиёти. Т., Маънавият, 2004. Б. 403.

<sup>93</sup> Қодирий А. Диёри бакр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007. Б. 140.

<sup>94</sup> Ўша асар, 141-бет

<sup>95</sup> Ўша асар, 141-бет

1920-1925 йилларда унинг матбуотда 300 дан ортиқ турли мавзулардаги ҳажвиялари, очерклари Қодирий, Қулқунбой, Овсар, Думбул, Шиғой, Калвак Махсум каби имзолар билан босилиб чиқади. Ёзувчининг бундай фаолияти ҳақида Хабибулло Қодирий куйидагиларни ёзади: “Муштум” 1924 йил сонларидан бирида дадамнинг суратини ўртоқлик ҳазили тариқасида масҳаралаб босишган ва тагига шу сўзларни ёзиб қўйишган эди: “Фельетонлар қироли Жулқунбой: йиғлатиб кулдиради, кулдириб йиғлатади”<sup>96,97</sup> Фарғона газетасининг муҳаррири Лутфулло олимий Абдулла Қодирийнинг “Муштум” журналидаги фаолияти ҳақида шундай ёзади: “Муштумнинг топган эътибори ва кўп тарқалиши Жулқунбойнинг ўткир қалами билан”.<sup>98</sup>

1923-1926 йиллар давомида “Муштум” журналининг қиёфасини белгиловчи, ҳажвий қисса жанрининг етук намуналари эълон қилинади.

Ижодкорнинг “Тошпўлад тажанг нима дейди?” ҳажвий туркумида ўзига хос воқеа тасвирланади. Унда ўз даврининг янги бир ижтимоий табақаси жаҳолат ва қолоқлик муҳити яратган чапанилар устидан кулгу устувордир.

Ижодкорнинг ҳар бир мақоласи, фельетони, ҳажвиялари “Муштум” фаолиятида алоҳида аҳамиятга эгадир.

“Муштум” фаолияти, қамрови, йўналиши, услуби, ўзига хослиги, истиқболи – буларнинг ҳаммаси журнал ташкилотчиларидан бири бўлган Абдулла Қодирийни диққатини тортиб келган. Шу билан бирга журнал фаолиятидаги камчилик ва нуқсонлар, узулишлар тўғрисида ҳам мақолалар эълон қилиб турган: “Муштум оқсоқланган эмиш”<sup>99</sup> мақоласида журналнинг иқтисодий аҳволи, нашрдаги узулишлари ҳақида маълумот берилади. “Муштум”нинг иккинчи ёши билан табрик ҳам унга бирмунча

---

<sup>96</sup> Қодирий Ҳ. Отам ҳақида. Ғ. Ғулом нашриёти. 1983. Б. 36.

<sup>97</sup> Мазкур расм иловада берилган.

<sup>98</sup> Лутфулло Олимий. Ҳажвиёт майдонида. Фарғона. 1924 йил. 181-сон.

<sup>99</sup> Қодирий А. Диёри бакр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007. Б. 163.



“панд ва насихат” мақоласи орқали нашрни икки ёши билан қутлаш билан бирга 18-сонгача бўлган фаолияти бирмунча таҳлил қилинади, ютуқлари санаб ўтилади, журналнинг кейинги фаолиятига “панд-насихат”лар орқали йўл-йўриқлар келтирилади. Журналнинг ижодий ходимлари фаолликка даъват этилади.

“26-йилда кулдургучиларимиз” (ижодий) мақоласида эса умуман ҳажв ва юмор борасида муфассал тўхталиб ўтади. Бундан ташқари, “Муштум” журналининг бу борадаги аҳамияти, фаолиятидаги камчиликлар, ижодий жамоанинг (ҳажвчилар) чиқишлари, баъзи ҳажвиялар таҳлилига эътибор қаратади. Ўша давр ҳажвчилиги борасида ўзининг асосланган фикрларини баён этади:

*“Узун сўзнинг қисқаси, биз ҳажввиётда кундан-кунга илгарилаб борамиз. Бу соҳада муваффақиятларимиз таъмин этилгандир.*

*“Муштум” журнали 26- йилда қуйидаги кулдургучиларимизга ишониб иш кўрса бўладир: ”*

*“...Ёзгучилар ичида булардан бошқа аҳёнда бир ёзиб қўйса-да, амма қалами умидлик бўлган ўртоқлар ҳам йўқ эмаслар”<sup>100</sup>*

1925 йилда ёзувчининг “Муштум” номини олган жиддий мақоласи “Қизил Ўзбекистон” газетасида босилади.<sup>101</sup> Мақолада журналнинг ўша кезлардаги фаолияти истиқболи анча чуқур таҳлил қилинади. Журналнинг тили хусусида, айниқса, шакилланаётган ҳозирги замон ўзбек адабий тили хусусида тўхталиб ўтади ва журналнинг тилини асосли равишда танқид қилади: “...яна “Муштум”нинг тилига тўхталсак!

*1 – Тилсизлик (дудуқлик ва соқовлик)*

*2 – Бўғоз-қисирлик (дағаллик)*

*3 – Услубсизлик*

---

<sup>100</sup> Ўша асар, 269-бет.,

<sup>101</sup> Ўша асар, 246-бет.,

4 – сўзда иқтисодсизлик ва бошқа сиз-сизлик яна унинг хусусиятларидан бири бўлиб чиқади”...<sup>102</sup>

“...бу тил тузатиш эмас бузиш! Яна биттаси: “Рад бўлинг, факилларимизга тушган шунгялар!...” эса маълумотсизлик устига яна тил билмасликдир!

1 – “Фалак” эмас – “палак” дир;

2 – “Шунгя” палакка тушмай дир, балки палакнинг илдизидан кўкариб чиқа дир.

3 – Ўртоқ “Оқпадар” ўйлаган палакка тушадиргон нарса шакар қурти дир. Қисқаси, ўзбекчада чиқмоқ билан тушмоқ маъноси бир эмас...

“Муштум” ўзининг тилсизлиги устига яна бўғоз –қусурлик (дагаллик) касаллигига ҳам мубталодир”<sup>103</sup>.

Бундан ташқари, мазкур мақолада журналда эълон қилинаётган карикатураларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтади. Берилган карикатураларни ўзига хос шарҳлаш билан бирга, кам-кўстини, савиясини, миллий менталитетга мос эмаслигини ҳам таъкидлаб ўтади ва куюнчаклик билан шундай дейди: “Ундан сўнг ҳаётимизнинг лавҳаларига чин либос кийдиргувчи ўз кишимиз, ўз сураткашимиз йўқ, бу йўқлик ҳам тилни тишлата дир”.<sup>104</sup>

Умуман олганда мазкур мақолада журналнинг ўша кунлардаги фаолияти, келажаги ҳақида чуқур таҳлил беради. “Муштум” жамоасининг анада фаолроқ бўлишига даъват этувчи, ҳажвий журналнинг қиёфасини белгиловчи ушбу мақолани ғаразгўйлик деб қабул қилувчилар ҳам бўлди. Бу ҳол журналнинг муҳарри Ғози Юнуснинг “Танқидми, тош отишми?!”<sup>105</sup> жавоб мақоласида кўзга ташланади. Кейинчалик жавоб тариқасида ёзилган

---

<sup>102</sup> Ўша асар, 246-беТ.,

<sup>103</sup> Ўша асар, 247-беТ.,

<sup>104</sup> Ўша асар, 248 беТ.,

<sup>105</sup> Ўша асар. 455-беТ.,

“Шаллақи”<sup>106</sup> мақоласида ҳам журнал ва бош муҳаррир фаолияти борасидаги ўз фикр-мулоҳаза, таклиф ва таҳлилларини яна давом эттиради.

Абдулла Қодирий 1919-1925 йиллар оралиғида матбуотда уч юздан ортиқ ҳажвия, фельетон ва мақолалар яратди. Уни ёзувчи сифатида илк бор элга танитган нарсани унинг ҳажвий асарлари, яъни “Калвак Махзумнинг хотира дафтарида” ва “Тошпўлад тажанг нима дейди?” каби ҳажвий қиссаларидир. Ёзувчи бу асарларида одамлар табиатидаги муайён салбий ҳодисаларни соф мафкуравий нуқтаи назардан туриб, нукул бирёқлама қоралаш, фош этиш йўлидан бормай, характер ва ҳодисаларни холис туриб, мураккаблиги зиддиятлиги билан кўрсатиб берди.

Ўз вақтида муштумхонларни яхшигина қулдирган Қодирий асарларидан бири “Калвак Махзумнинг хотира дафтарида” ҳажвий қиссасидир. Бу асар 1923-1926-йиллар мобайнида “Муштум” журналида “Муштум”нинг борди-келдиси рубрикаси остида 21-сонда давомли босилган.

– Менинг қулгиликда ишлатадиган неча турлик имзо, яъни қаҳрамонларим бор: Калвак Махзум, Тошпўлад, Овсар, Думбул, Шилғай ва бошқалар. Агар сиз шу имзолар билан ёзилган қулгиликларни текшириб чиқсангиз, мунда асли ёзувчининг шахсини тамоман кўрмайсиз. Фақат сўзни имзо эгасининг ўз оғзидангина эшитасиз. Калвак Махзум образи орқали-да кўпдан ҳақиқий ҳаёт билан алоқаси узилган холис бир маҳалла имомини кўрасиз, - деб ёзади Қодирий “Қулгу ҳақида” номли мақоласида.

Албатта, бундай услубда ҳажв ёзиш бирмунча қийин ва масъулиятли. Ахир ёзувчи асарга ўзидан бирор оғиз сўз қўшишга ҳақсиз, у (ёзувчи) артист қабилида бошдан-оёқ ролга кириши шарт-да!..

Асар бошдан-оёқ қаҳрамон – Калвак Махзум тилидан таржимаи хол –саргузашт тарзида ҳикоя қилинади. У жиддий равишда эскирган

---

<sup>106</sup> “Қизил Ўзбекистон” 1925 йил 25-август 208-сон. (Қодирий А. Диёри бақр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007. Б. 249).

домлалар тили ва талаффузида одоб билан ўз ота-онасининг қандай “улуғ зотлар” бўлганини, отасининг Тошкент музофотида тутган “беқиёс обрўсини, илмини ва урфонини, ўзининг ана шундай зотлардан дунёга барқ уриб келганини, ниҳоятда авайланиб тарбия топганини, мадрасада “зўр” муваффақият билан ўқиганини, уйланишини ва кўрган кечирганларини эринмай ҳикоя қилиб, ўзининг алмисоқдан қолган содда фикр-ақидалари билан ўз ўқувчиларни кулдираб бораверади.

Бу асарни ёзишга сабаб биргина: инқилобгача ва инқилобдан сўнг ҳам халқимиз орасида мутаассиблик кучли бўлгани, бунда асосий ролни ана шу Калвак Махзумлар ўйнагани ҳаммага аён.

Умуман олган, “Муштум” журналининг маънавий қиёфасини оммалашисида, истиқболини белгилашда Абдулла Қодирийнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Нафақат “Муштум”, ўша давр матбуотининг фаолиятида “Фельетонлар қироли”нинг иштироки, чиқишлари муҳимдир. Журналист – ёзувчи ўзининг “Матбуот куни”<sup>107</sup> мақоласида матбуотнинг жамиятда тутган ўрнини, аҳамиятини таҳлил қилиб кўрсатади: “Меҳнаткашлар матбуотига хусусий шахсларнинг ҳам, маъмурларнинг хиёнатларини ва шу фирқа ҳам жамоат ташкилотларининг хато ва нуқсонларини очиб кўрсатмак ҳуқуқи бериладир”<sup>108</sup> – деб матбуотнинг ўрни ва вазифасини тушунтириб ўтади. “Муштум” журнаliga алоҳида тўхталиб, бошқа матбуотларнинг ҳам фаолият мақсадини ифодалайди: “Демак, матбуотимиз яна кенг ҳуқуқли ясовул бўладир; демак, “Муштум” сир очиш, ҳақиқатни айтиш йўлида яна каттакон амр яъни фармони хумоюн” оладир ва бўйнига тумор қилиб осадир. Пичоқ мой устида!..Яшасун меҳнаткашлар ҳуқуқини ҳимоя қилгучи озод шўролар

---

<sup>107</sup> Ўша асар, 194-бет

<sup>108</sup> Ўша асар, 196-бет.

матбуоти! Битсин, энг сўнгги ёвимиз бўлган мустамлакачи ва хиёнатчи ўғрилар!<sup>109</sup> (“Муштум” 1924 йил 20 май 27-сон).

Абдулла Қодирий “Муштум” журналининг 1923-1926 йиллар оралиғидаги ҳар бир сонидида мақола, фельетон, ҳажвия, “билдириш”лари билан мунтазам иштирок этиб турди. Унинг ҳар бир чиқишида жамият ва турмушдаги, кишилар феъл атворидаги камчилик ва нуқсонлар, баъзи бир сиёсий ўйинлар ўзининг бутун бўй-бастиди билан намоён бўлди: “Сиёсат майдонларида (2-сон), “Ит уруштириш ишлари” (2-сон); “Нима қаёққа кетадир” (3-сон), “Пўскаллеси” (3-сон), “Нахс босган экан” (4-сон), “Шўх байтал” (5-сон), “Ёмон кўз” (6-сон), “Биз ким ва нималардан кўрқамиз” (7-сон), “Аралаш” (8-сон), “Бўтқа” (13-сон), “Тошкент бойлари” (23-сон), “Ҳой ерюткур” (24-сон), “Ўрганган кўнгил ўртанса кўймас” (25-сон), “Таржумаи ҳол (эшонларимиз)” (25-27-сонлар), “Ғиди-ғиди гаплар” (26-сон) “Матбуот куни” (27, 28, 30, 35-38-сонлар), “Ёзишғучиларимизга” (37-сон), “Ай худай урганлар урганлар” (39-40 сонлар), “Эчкининг оти Абдилкарим” (39-40 сонлар), “Бир йил” (42-сон), “Йиғинди гаплар” (27-сон), “Бўсун-бўлмасун” (44-сон), “Анов-манов” (48-сон), “Ширвон хола нима дейди” (44-сон)”<sup>110</sup>. Бу келтирилган айрим мақола ва ҳажвиялар даврни, замон руҳини ўзида акс эттирган. Бу мақолалардан кўриш мумкинки, Абдулла Қодирий ўз замонасининг, миллатининг куюнчак вакили, шу билан бирга нодир истеъдод эгаси, улуғ сўз санъаткоридир.

Абдулла Қодирий “Муштум” журнали фаолиятида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таҳлил қилиб ўтдик. Лекин шуниси ҳам маълумки, ёзувчи 1926-йилда “Муштум”да босилган “Йиғинди гаплар”<sup>111</sup> мақоласи, ҳажвиядаги танқидий мулоҳазалари учун “аксилнқилобий ҳаракат қилинганлик” деб айбланади, қисқа муддат хибсга олинади.

---

<sup>109</sup> Ўша асар, 196-бет

<sup>110</sup> Юқоридаги мақолалар Абдулла Қодирийнинг “Диёри Бакр” китобидан келтирилди.

<sup>111</sup> Қодирий А. Диёри бакр. Т., Янги асар авлоди НММ, 2007. Б. 269.

Мақола ҳажв тариқасида ёзилган бўлсада, унда бир неча кишилар, арбоб кимсалар ҳазилтомуз танқид қилиб ўтилган эди.

Бу мақола ўша пайтда кўп гап-сўз ва турли мулоҳазаларга сабаб бўлади. Адиб Ўзбекистон Жиноят Қонунлари мажмуасининг “Раҳбар ходимларни обрўсизлантириш” деган моддаси билан қораланади. Қарийб уч ойлик сўроқ-терговдан сўнг, ёзувчи судда ўзининг ҳақлигини исботловчи ёзма нутқини ўқиб беради: “Маним 27 нчи сон “Муштум” журналидаги “Йигинди гаплар” сарлавҳалик кулги мақолам ҳам шу асосларга солиниб ёзилгон сажиявий чин кулги эди. Мазкур мақоладаги мақсадим, кулги мезони билан ҳарфат жаҳидга олингонда, қуйидаги мазмунлар ҳар кимга, ҳар бир гўдакка ошқора бўладур: Мақоланинг биринчи устун тўртинчи йўлидаги...”

“...Ўзбекнинг ишчиси, деҳқони, маъорифи, шалтай-балтайи алҳ ухлайди” (алҳ - ҳаммаси барчаси) жумласи фақат муболага мақомида қўллангон бир гапдир. Мундан бошқа маънолар чиқариши хаёлот ёки васвасадир. Зеро, бошида бир оз муҳокамаси бўлгон ҳар бир киши Ўзбекистоннинг Улуғ Ўктябр инқилобигача бўлгон ҳоли билан, Ўктябрдан кейинги тўққиз йил ичидаги интибоҳини (уйғониши), (ижтимоиятда, илм ва маданиятда, хулоса ҳар бир жабҳада) чиқишидириб кўрса, ўзини тамоман бошва бир оламда хис этадир.”

“...Биринчи устуннинг 25 нчи йўлидан бошлаб, иккинчи устуннинг 4 нчи йўлигача бўлгон ўртоқ Охунбобоев тўғрисидаги гаплар ёлғиз унинг шу сифатидан киноядир. Масалан, фақат кўча саситиб, оғзаки гиғиши қилиб юрган анави хасратчилар қаршисида ўртоқ Охунбобоев активний равишда мажлис ва газеталарда камчиликларни чертиб отадир.”

“...“Овсар” қўйилган, демак ундаги кўб таъбир ифодалар овсарона, далиёнадир. Тентакни тентак тинглайдир деганларидек, кулгуликдагина эмас, умуман сажиявий адабиётга яқин тургон кишилар бу мақолани шу нуқтадан қараб текширсалар яна ҳам ҳақиқат очиладу.”

*“..Сўзим охирида одил судлардан сўрайман: Гарчи мен турлик бўхтон, шахсият ва соҳталар билан, ҳам англашилмовчиликлар орқасида, иккинчи окланмайдургон бўлиб қораландим. Лоақал уларнинг, қораловчи қора кўзларнинг кўнгли учун бўлса ҳам, менга энг олий бўлгон жазони бера кўрингиз. Кўнглида шамси губороти, тескаричилик мақсади бўлмогон содда, гўл, виждонлик йигитга бу қадар хўрликдан ўлим тансиқроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусича, маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга кўрқинч эмасдир. Одил судлардан мен шуни кутаман ва шуни сўрайман!*

*1926 йил, 16 июн. Самарканд”<sup>112</sup>*

“Муштум” журналидаги фаолияти ва иштирокидан шуни англаш мумкинки, “Муштум”нинг том маънода “Муштум” бўлишида Абдулла Қодирийнинг иштироки, ўрни ниҳоятда катта. Айниқса, ҳажвий журнал бўлган “Муштум”нинг ҳажв борасида ўша давр матбуотининг етакчисига айланишида Жулқунбойнинг ҳангома, фельетон ва ҳажвиялари салмоқли ўрин эгаллайди. Бу ҳақда журнал муҳарри Ғози Юнус “Танқидми, тош отиш” мақоласида қуйидагича муносабат билдиради: “Муштум”нинг давоми ва кенгайиши, тил томонининг соддаланиб, авом фаҳм бўлиши учун Жулқунбой каби кулгучи ёзувчиларнинг танқиди куруқ танқид эмас, биргалашиб ишлаб бориш ва ҳатто “Муштум”нинг жиловини қўлга олиши билан бўладир”<sup>113</sup>.

Умуман олганда “Муштум” фаолияти Қодирийнинг доимо диққат марказида бўлган ва энг яхши ҳангома, фельетон, мақола ва ҳажвияларини айнан шу журналда нашр эттирган. Бунга оддий мисол сифатида ўзбек ҳажвий публицистикасининг нодир намуналаридан бўлган “Тошпўлад тажанг нима деди”, “Калван Махзум хотира дафтарида”, “Йиғинди

<sup>112</sup> Н.Боқий. Фитна санъати. 2-китоб. Т., Фан. 1993.

<sup>113</sup> Қодирий А. Диёри бакр. Т., Янги аср авлоди НММ, 2007. Б. 455.

гаплар”, “Таржимаи ҳол (Эшонларимиз)” ва “Ширвон хола нима дейди” кабиларни келтиришимиз мумкин.

Айнан “Муштум”даги фаолияти билан журналист-публицист – Абдулла Қодирий 20 йиллардан кейинги ўзбек матбуотининг шаклланиши ва ривожланишида, ўзбек ҳажвчилигининг юзага келишида жуда катта роль ўйнайди.



## ХУЛОСА

XX аср ўзбек миллий адабиётининг энг йирик намоёндаларидан бири, ўткир журналист, моҳир публицист Абдулла Қодирийнинг ўзбек маданий ва маърифий ҳаётида тутган ўрни беқиёсдир. Унинг бой ижодий меросини кузатар экансиз адабий жанрларнинг аксариятида нодир асарлар яратганига гувоҳ бўласиз. Абдулла Қодирий ижоди ўзбек адабиётида катта ўрин эгаллаши, ҳеч кимга ўхшамайдиган, ўзига хос, бутун бир давр, замон бор бўй-басти билан намоён бўлган публицистикаси борлигига ишонч ҳосил қиласиз. Абдулла Қодирий ижодига қайта-қайта мурожаат қилинаётганлигига, ўқиб, ўрганилаётганлигига ҳам асосий сабаб ҳам шу.

Абдулла Қодирий ижодини таҳлил қилар эканмиз, у нафақат шоир, драматург, романнавис бўлиб қолмай у моҳир мақоланавис, публицист ва мунаққид ҳам бўлганини англаймиз. Унинг бу борадаги асарлари мавзу, йўналиш жиҳатидан кўриб чиқилса, адиб асосан олти йўналишда қалам тебратганлиги маълум бўлади:

**1. Миллий театр ва мусиқа:** Унинг миллий театр санъати фаолияти, театр билан боғлиқ баҳс-мунозаралар, камчилик ва нуқсонлар акс этган, ўзбек кўшиқчилик санъатига бағишланган куйидаги баъзи мақолаларни келтириш мумкин: “Бизда театру ишининг бориши”, “Азоб боғчасида йиғи-сиғи кечаси”, “Эски шаҳар театру ҳаваскорларига”, “Тилак”, “Хусусий мактублардан”, “Миллий ашулачимиз”, “Масков хатлари V”

**2. Таълим-тарбия, китобхонлик ва кино:** Бу турдаги мақолаларида ижодкор таълим-тарбия масаласига жиддий эътибор қаратиш зарурлигини ва ундаги камчилик ва нуқсонларни, бундан ташқари китоб ва китобхонлик масалаларини ҳам тасвирлайди. Кино санъатига бағишланган мақоласида эса миллий кино санъатига назар солинади ва баъзи фильмлар таҳлил қилинади. Мисол тариқасида ушбу мақолаларини келтириш мумкин: “Тарбия ишларига диққат”, “Қироатхоналаримиз”, “Ҳуқук”,

“Тилак”, “Маъориф шўроси диққатиға”, ”Билдиришлар”, “Лайли ва Мажнун”, “Масков хатлари” 1, 2, 3, 4, 5, “Равот қашқирлари”.

**3. Миллий матбуот, нашр ишлари ва фаолияти:** Бу турдаги мақола ва чиқишларида миллий матбуотимиз фаолият, унда кечаётган жараёнлар, матбуот орқали баҳс-мунозаралар, ноширлик ишлари, миллий матбуотсиз умумий маданият ва маърифатга эришиб бўлмаслиги каби масалалар ёритилган. Адиб миллий матбуот орқалигина ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам маданий-маънавий ислохотлар ўтказишни самарали эканлигини англаб, матбуот тилига, адабий тил нормаларига, муҳаррир масъулияти, қоғоз иқтисоди, тил ва услуб ифодалигига эътибор қаратади. “Олти йиллик базм”, “Матбуот куни”, “Муштум таърифида”, “Жасорат – айб эмас”, “Ҳақиқат – очик сўзлашдадир”, “Тилак”, “Муштум”, “Масков хатлари IV”, “Муштум” оқсоқланган эмиш”, “Шаллақи” каби мақолаларда шу масалалар кенг ёритилган.

**4. Тилшунослик ва адабиётшунослик:** Бу турдаги асарларга адибнинг бадиий тил ва адабиётга оид қарашлари, сўздан фойдаланиш, сўз ишлатиш маҳорати, сўз қўллай олиш санъатига бағишланган мақолалари ўрин олган. Айниқса, Ғози Юнус билан бўлган матбуот баҳсида бу нарсаяққол кўзга ташланади. Бу гуруҳга қуйидаги мақолаларни мисол тариқасида келтириш мумкин: “Муштум”, “Ўртоқ Элбекнинг тил ҳақидаги тушунчалари”, “Чўлпоннинг “Тонг сирлари” шеърий тўпламига сўзбоши”, “Ўқувчи ва ёзувчиларимизнинг диққатиға”, “Ёзишғувчиларимизға”, “Ўқиш-ўрганиш”, “Ўткан кунлар” танқиди устида баъзи изоҳлар”, ”Ёзувчи ўз ижоди тўғрисида”, “Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас”.

**5. Миллий қадриятлар, муомила маданияти ва миллий ўзига хослик:** Миллий қадриятлар, дин ва маданият борасида дин ва диндорлик, хурофот ва бидъатнинг бир-биридан фарқи, муомала маданияти, миллий ўзига хослик масалалари адибнинг ҳар бир чиқишида, публицистик ва бадиий асарларида кенг ўрин олган. “Қурбонлик

ўғрилари”, “Сарт оға-иниларга”, “Хуқуқ”, “Шўх байтал”, “Нафси шайтон”, “Тошпўлад тажанг нима дейди?”, “Калвак Махзум хотира дафтарида”, “Ширвон хола нима дейди”, “Қурбон байрами”, “Бўтқа” каби чиқишларда бу масалалар ўзига хос тарзда тасвирланган.

**6. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий:** Бу турдаги асарларда жамиятдаги муҳим жараёнлар, ўзгаришлар, бурилишлар, юзага келган камчилик ва нуқсонлар, иқтисодий ҳолат, халқнинг моддий аҳволи, маош ва ишга тўланадиган ҳақлар каби масалалар акс эттирилган ва “Отам ва большевик”, “Қимматчилик ҳасрати”, “Бозор суруштирмайдир”, “Йўлда”, “Ижмоли саёсий”, “Сайловми босқунлик”, “Гирвонлик Маллавой ака”, “Мочалов”, “Сиёсий майдонларда”, “Солнома”, “Биринчи май”, “Йиғинди гаплар”, “Саккиз йил”, “Улуғ айём”, “Нахс босқан экан”, “Даъвосиз дардлар”, “” каби мақола ва фельетонлар бунга мисол бўла олади..

Абдулла Қодирий миллий маданиятимизнинг, халқимиз ҳаётининг қайси бир соҳаси, масала ёки муаммоси ҳақида фикр юритмасин, ҳамиша ва ҳамма ҳолатда фақат ягона ва буюк бир мақсад, орзу билан яшади. Яъни ўз халқини жаҳондаги энг тараққий этган маданият ва маърифатли халқалар каби камолотга кўтарилишини истади, даъват қилди.

Абдулла Қодирий ижодини, публицистикасини кузатиб, таҳлил қилар эканмиз қуйидаги хулосаларга келдик:

**Биринчидан:** Бугунги кунда ҳозирги ўзбек насри мазмун ва жанрлар жиҳатидан ниҳоятда юксакликка эришди. Буларнинг ҳаммасида Абдулла Қодирий ижодининг аҳамияти, Қодирий насри мактабининг таъсирини кўриш мумкин. Абдулла Қодирий XX аср ўзбек адабиётидаги энг йирик ёзувчидир. Чунки, у насрнинг ҳамма жанрларида бадиий жиҳатдан етук бўлган асарлар яратди.

**Иккинчидан:** Абдулла Қодирий ўз ижодида ижтимоий муаммоларни, турмушдаги камчилик ва нуқсонларни, маданий ҳаётни, сиёсий воқеаларни ҳажв ва юмор орқали ёритади. Унинг эътиборидан ҳеч

бир муаммо четда қолмайди. Энг асосийси у ҳар бир ижтимоий муаммони ҳажв орқали кўтарар экан, аксарият ҳолларда унинг ечимига ҳам айнан ҳажв ва юмор билан ишора қилиб ўтади. Бу ҳол Абдулла Қодирий публицистикасининг ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятларидан биридир.

**Учинчидан:** Абдулла Қодирий яратган насрий, ҳажвий асарлар адибнинг бу борадаги етук истеъдод соҳиби эканлигини яна бир бор амалий самараси эди. Қатламдор ҳажв, сержило кулги воситасида ўз даврининг ижтимоий, сиёсий ва оилавий иллатларини рўйи рост фош этди, қоралади. Фақат қораладигина эмас, ундан қутулиш покланиш сари бориб, нурли келажак, истиқлол чироғини ёқмоқчи бўлди. Бунда реалистик адабиётга хос тасвирда бетарафлик, холислик усулидан кенг фойдаланди. Пировардида, бу бордада ўз адабиётида устозлик мақомига кўтарилди. Адибнинг шеърятда, драмада, ҳикоя ва ҳажвда орттирган тажрибаси йирик эпик ижодида жуда-жуда қўл келди, маҳорат пиллапояси бўлиб хизмат қилди.

**Тўртинчидан:** Абдулла Қодирий хатлари орқали ўз даврининг муҳим масалаларини ёритади. Унинг хатларини ўрганишда асосий сабаб эса ижодкор шахсиятидир. Айнан, хатлардагина ижодкор шахсияти намоён бўлади.

**Бешинчидан:** “Муштум” журналидаги фаолияти ва иштирокидан шуни англаш мумкинки, “Муштум”нинг том маънода “Муштум” бўлишида Абдулла Қодирийнинг иштироки, ўрни ниҳоятда катта. Айниқса, ҳажвий журнал бўлган “Муштум”нинг ҳажв борасида ўша давр матбуотининг етакчисига айланишида Жулқунбойнинг ҳангома, фельетон ва ҳажвиялари салмоқли ўрин эгаллайди. Айнан “Муштум”даги фаолияти билан журналист-публицист – Абдулла Қодирий 20 йиллардан кейинги ўзбек матбуотининг шаклланиши ва ривожланишида, ўзбек ҳажвчилигининг юзага келишида жуда катта рол ўйнайди.

Кўрамузи Абдулла Қодирий қисқа умр кўрган, қисқа бир даврда ижод қилган бўлса ҳам ўз халқи ва адабиёти учун ниҳоят катта, салмоқли, айни чоғда муҳим маънавий-маърифий, бадиий эстетик аҳамиятга молик ижодий мерос қолдириб кетган. У бир вақтнинг ўзида шоир, ҳикоянавис, ҳажвиётчи, қиссанавис, драматург, энг муҳими, буюк ва такрорланмас романнавис сифатида халқимиз маънавий-бадиий ривожига ўзига хос ўрин тутади.

Сўнги сўз ўрнида айтадиган бўлсак, адибнинг кичик мақола ва асарларида илгари сурилган миллий маданиятга хос фикр ва мулаҳазалари, қарашлари ниҳоятда бой, ранг-баранг ва кенг кўламли эканлиги билан характерланади. Зеро, бу борадаги қарашларини ўрганиш ва таҳлил этиш эса қодирийшуносликнинг янги қирраларини очиб берса ажаб эмас. Қолаверса, истиқлол маънавияти ва мафкураси ривожига хизмат этади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов. И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008.
2. Каримов. И. А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Т.: Ўзбекистон. 2009.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон. 2000.
4. Қодирий А. Диёри бакр. Т.: Янги аср авлоди НММ. 2007.
5. Қосимов Б. ва бошқалар. Миллий уйғониш даври адабиёти. Т.: Маънавият. 2004.
6. Қодирий А. Кичик асарлар. Т.: А.Қодирий. 1996.
7. Қодирий Ҳ. Отам хақида. Т. : Ғ. Ғулом. 1983.
8. Мирвалиев С. Абдулла Қодирий. Т.: Фан. Т.: 2004.
9. Қодирий. Ҳ. Отамдан хотира. Т.: Янги аср авлоди НММ 2005 й.
10. Қодирий А. Тўла асарлар тўплами. 1-жилд. Т.: А.Қодирий. 1995.
11. Набижон Боқий. Фитна санъати. 2-китоб. Т.: Фан. 1993.
12. Ўзбек адабий танқиди антология - Т.: Турон Иқбол. 2011.

13. Қўшжонов М. Сайланма. II том. Т. Ғ. Ғулом.: 1983.

14. Ёқубов Ҳ. Ўзбек адабий танқиди ва адабиётшуносликнинг ривожланиш йўллари. Сайланма. 1-жилд –Т.: Ған. 1983.

15. Худойқулов М. Ўзбек ҳажвий публицистикасининг шакилланиши ва ривожланиш тамойиллари. Т.: Фил.фан.док. автореф. 2001.

16. “Ғафаккур” журнали 2009-йил 4-сон.

17. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси 2003 йил, 11 апрел.

18. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси 2003 йил, 7 октябр,

19. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси 2003 йил, 19 сентябр

20. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com)

21. [www.ref.uz](http://www.ref.uz)

22. [www.adabiyot.uz](http://www.adabiyot.uz)

23. [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)

24. [www.lib.uz](http://www.lib.uz)

25. [www.mushtum.uz](http://www.mushtum.uz)

## ИЛОВАЛАР

1-илова

**Фельетонлар қироли Жулқунбой:**  
**йиғлатиб кулдиради, кулдириб йиғлатади**

قىليپە تونلەر كارولر جوقونباي - عەبدوللا قادىرى



كولديرب ييغلاندار، ييغلاناب كولديره در





«Қурбон байрами»

Телман Муҳаммедов ишлаган карикатура



«Совинак қори билан Мағзава қори»

Телман Муҳаммедов ишлаган карикатура



«Тошпўлад тажанг нима дейди?»

Телман Муҳаммедов ишлаган карикатура





«Калвак Махзумнинг хотира дафтари»

Телман Муҳаммедов ишлаган карикатура